Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 27 (20. 294) • 1989 йил 2 февраль, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

ЧОРВА ҚИШЛОВИ ҚАНДАЙ ЎТЯПТИ?

● Қишнинг қировли кунлари давом этмоқда. Ҳозир молларни тўйимли ва сершира озуқалар билан парваришлаш билангина уларнинг маҳсулдорлигини таъминлаш мумкин.

● Фермаларнинг санитария ҳолатини яхшилайлик. Зооветеринария хизматини намунали йўлга қўйиш билангина қишловни беталофат ўтказиш имкониятини яратилишини унутманг.

● Сут соғувчилар, молбоқарлар ва фермалар бошқа ходимларининг унумли ишлашлари, мароқли дам олишлари учун қулай маданий-маиший шароитлар яратиб бериш партия, совет, хўжалик раҳбарларининг жонажон иши.

● Қўзилатиш кампаниясининг бошланишига оз фурсат қолди. Масъулиятли мавсумни муваффақиятли ўтказишга пухта ҳозирлик кўрайлик.

Наманган районидаги Оржоникидзе номли колхоз фермасида онлавий пудрат звенолари самарали ишлаётганлиги туфайли ютуқлар ҳам кўпаймоқда. Ўтган йили ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 3 минг килограммни ташкил этди. Бу наслчилик ишлари яхши йўлга қўйилганлиги оқибатидир.

Суратда: Онлавий звено аъзолари (чапдан ўнгга) Ширмоной Тожибоева, Одилжон ва Ўктамхон Ориповлар ҳамда Абдусаттор Ҳамдамов.

А. КОВТУН фотоси (ЎзТАГ).

● ҚИШЛОҚҚА — ИНДУСТРИАЛ ТЕХНОЛОГИЯ

Ғилдиракли устахона хизматга ошиқади

Қиш кунларининг бирида Куйбишев номли колхоз сут-товар фермасини сув билан таъминлайдиган насос тўсатдан ишламай қолди. Нима қилиш керак? Вақт тиғиз. Автосуғоргичга сув келмай қўйди. Сут сақланадиган идишлар ҳам ювуқсиз қолди.

Ферма механиги Умар Воҳидов дарҳол телефон орқали «Самарқанд» агросаноат комбинатига қарашли ремонт-техника ишлаб чиқариш корхонасининг чорвачилик фермаларига техника хизмати кўрсатиш станциясига хабар қилди. Аҳтам Бозоров бошлиқ бригада созловчилари — Собир Омонов, Зокир Жумаев, Фурқат Раҳимовлар тезда фермага етиб келишди. Созловчилар ишдан чиққан техникани қисқа муддатда ремонт қилишди, фермада ишлар юришиб кетди.

Ҳозирги вақтда Самарқанд районида 29 та сутчилик фермаси, ўнлаб ёрдамчи хўжаликлар, район хўжаликлараро бўрдоқичилик корхонаси, матлубот жамиятининг чўчқачилик фермаси, умуман 128 та комплекс механизациялашган чорвачилик бинолари мавжуд. Техника шифокорлари ҳамиша ишга шай. Хизмат кўрсатиш территорияси юзлаб километрни ташкил этади. Аммо бу ишлар коллектив учун қийинчилик туғдирмайди.

— Пудратга ўтмасдан олдин ойига 120 сўм атрофида маош олардик, — дейди станция бошлиғининг ўринбосари Мансур Эгамбердиев. — Ҳозир эса ойига қўлимизга 220—240 сўмдан пул тегяпти. Тежалган хом ашё, эҳтиёт қисм, электр энергияси ҳисобидан ҳам қўшимча ҳақ олиб турибмиз. Пудрат коллективини янада унумли, тежамли, ижодий ишлашга даъват этяпти. 1989 йилдан бошлаб корхонамиз тўла хўжалик ҳисоби ва ўз харажатларини ўзи қоплаш усулига ўтиб ишлаяпти. Эндиликда ҳар бир ишчи ҳисобдон ва билимдон, тафаккури бой, сарф ҳамда самаранинг қадрига етадиган бўлиб бормоқда. Бу фазилат корхонага ҳам, ишга ҳам, ишчига ҳам, буюртмачига ҳам фақат манфаат келтиради. 1988 йилнинг ўзида транспортга кетадиган харажатдан 6 минг сўм, электр энергиясидан 5 минг киловатт-соат тежаб, умуман планлаштирилган 9 минг ўрнига 25 минг сўм соф фойда олдик. Жами 410 минг сўмлик, планга қўшимча 70 минг сўмлик иш бажарилди.

Муваффақиятнинг яна бир боиси шуки, станция ҳисобида 12 та кўчма устахона бор. Устахоналар малакали созловчилар, зарур эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуна, кўчма дастгоҳлар билан етарлича таъминланган. М. Раббимқулов, С. Омонов, Д. Мўминов, Ҳ. Солиев, А. Чехонин, Ў. Тошпўлатов шарафли касблари билан коллективда, чорвадорлар ўртасида обрў қозонишган.

Станциянинг ўзида транспортёр, вакуум насоси, совутиш қурилмаси компрессорлари, автосуғоргич, соғиш аппаратларини мукаммал созлайдиган цех мавжуд. Ремонтга келтирилган ускуналар Л. Ҳамидова, З. Абдуллаева, А. Жабборов, С. Амриддинов сингари ишчан слесарлар қўлида тезда яроқли ҳолга келтирилади, чорвадорлар маҳтал бўлишмайди.

Ҳа, станция шарофати туфайли фермаларда иш тўхтаб қолмайди. Фермалардаги каби станцияда ҳам алоҳида навбатчилар тайинланган. Мақсад битта — қишловни соз ўтказиб, маҳсулот сероблигини таъминлаш ва эл маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшиш. Станция билан хўжаликлар фермалари ўртасида рация алоқаси ўрнатилганлиги фермада рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай чигал ишларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам бермоқда. Чорвачиликка индустриал технологияни жорий этиш ҳисобига районда ферма ишларини механизациялаш даражаси 92 процентга етказилди.

1988 йилда райондаги кўпгина фермаларда сигирлар касалланди. Шу туфайли улардан соғиб олинган сутни махсус АЗМ-0,8 маркали агрегат ёрдамида қайнатиб, давлатга топширишга тўғри келди. Станция цехида ана шундай агрегатнинг қўлбола нусхаси ясалиб, 26 таси фермаларга жўнатилди. Натижада районда моллар касалланганига қарамай йил давомида олдинги йилга нисбатан давлатга 90 тонна кўп сут топширилди.

— Очиқ гап, эҳтиёт қисмлар таъминотидан нолимаймиз, — деди М. Эгамбердиев суҳбатимизга якун ясаб. — Областимиздаги материал-техника таъминоти базаси, Тошкент подшипник ва трактор заводлари, республика комплектация базасидан керакли «хом ашё»ни олиб турибмиз. Лекин сув насослари тез-тез куймаслиги учун электр фазасига ҳимоя воситалари зарур. Афсуски, конденсаторнинг ярим ўтказгич элементлари жуда камёб. Шуниси ҳам борки, кўпгина хўжаликлар хизмат ҳақини вақтида тўлай олмай қарзга ботяпти. Масалан, Калинин номли, Дзержинский номли, «Ленинизм» совхозларининг ҳар бири 9,5—10,1 минг сўмлик қарзларини ҳамон тўлай олмай ишимиз ривожига тўсиқ бўляптилар. Ана шу муаммолар тезроқ ҳал этилса, ишимиз янада ривож топарди.

Э. ҲОЖИҚУРБОНОВ.

ФЕРМАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхозида чорвачиликни ривожлантириш, гўшт етиштиришни кўпайтиришда ижара пудрати кўл келмоқда. Ўтган йили совхоз ишчиларидан 24 киши фермалардан ижарага мол олиб, парваришлади. Улар молларни 120 кун давомида боқиб, 430—450 килограммга етказиб, гўштга топширмоқдалар. Ҳозиргача 24 ишчининг ҳаммаси хўжалик билан тузилган шартномани бажарди.

Совхознинг бўрдоқичиликка ихтисослаштирилган фермаси ишчилари давлатга гўшт сотиш биринчи квартал планини январь ойининг дастлабки ўн кунлигидаёқ ошириб бажаришди. Давлатга 77 тонна семиз гўшт сотилди. Гўштга топширилган 181 бош қорамолнинг ҳар бири 423 килограммдан тош босди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 53 килограмм зиёддир.

Илгари фермадаги 475 бош қорамолни 20—25 нафар чорвадор парваришлар эди. Ижара пудратига ўтилгандан сўнг, бу иш билан атиги 5—6 киши шуғулланяпти. Натижада ортиқча сарф-харажатлар камайиб ижарачиларнинг моддий манфаатдорлиги ошяпти.

Ж. ЮСУПОВ.

● Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхози чорвадорлари қишловни намунали ўтказишяпти. Айни кунларда соғин сигирлар ва бузоқлар парваришига эътибор кучайтирилаётир. Қишлов учун етарли миқдорда жамғарилган ем-хашакдан тежамкорлик билан фойдаланиляпти. Ҳар бир жониворга 11—12 бирликда озуқа берилмоқда. Район Советининг депутати, ўтган йилги социалистик мусобақа ғолиби Ҳамидахон Гаффорова, Ҳидоят Жалолова, Бисёрхон Қаландарова, Тошхон Расулова каби илғор соғувчилар ҳар бош сигирдан кунига 10—11 килограмдан сут соғиб олишга эришишяпти.

М. АБДУҚОДИРОВ.

● Самарқанд районидаги Ленин номли колхоз чорвадорлари айни кунларда моллар маҳсулдорлигини камайтирмасликка ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, Бўстон Усмонова, Ҳуррамой Йўлдошева сингари «оқ чашма» соҳибалари, Файзулло Эргашев, Низом Исаев, Ўта Ҳуррамов каби молбоқарлар кўпчиликка ибрат бўлаётирлар.

Бироқ фермaнинг қўшимча биноси қурилиши ҳамон ўлдажўлда. Райондаги «Спецсельхозмонтажстрой» трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари объект қурилишини икки йилдан бери чўзиб келмоқдалар.

Н. АТОЕВ.

«МАСЪУЛИЯТ»ГА ЯРАША МАҲСУЛОТ...

• Мухбиримиз бонг уради

Область агросаноат комитети ходимлари, наслчилик ва чорвачилик корхоналари мутахассислари томонидан Дўстлик райони хўжаликларида чорва қишловининг қандай ўтаётганлиги ўрганилганда, хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари чорва қишловн масъулиятини ҳис этишмаётганлиги аён бўлди. Бундан ташқари фермаларда чорвадорларнинг унумли ишлашлари ва мароқли дам олишлари учун шароит етарли эмас.

Соат 10 бўлганига қарамай, Ленин номли совхозтехникум сут-товар фермасидаги молларга эрталабки емиш берилмади. Бош зоотехник, бош ветврач ва ҳатто 2 нафар бригада бошлиғи соат ўн бир яримгача ишга келишмади. Ферма ҳар бош соғин сигирдан олинаётган маҳсулот ҳам шунга «яраша». Шу куни биринчи бригадада ҳар бир сигирдан соғиб олинган эрталабки сут миқдори ўртача 2,3 килограммни ташкил этди. Соғувчи З. Жуманова бу кўрсаткични аранг 2 килограммга етказган бўлса, С. Жаборова 32 бош сигирдан бор-йўғи 59 килограмм сут соғиб олди.

Фермадаги ўзибўларчилик туфайли ем-хашак молларга чамалаб берилаётир. Лаборатория, озуқа цехи, санитария назорати пости ишламаётир. Молхона иситилмаяпти. Оқибатда моллар ориқлаб кетмоқда.

«Комсомол» совхози сут-товар фермасидаги аҳвол янада ачинарли. Бузоқларнинг 50 процента касал бўлишига қарамай, улар ажратиб боқилмаётир. Бунинг устига бузоқларни даволаш пайсалга солинмоқда. Фермадаги сунъий қочириш пунктининг фаолиятсизлиги туфайли ўтган йили 618 бош сигир ҳамда ғунажиндан 255 бош бузоқ олинди, холос. Афтидан, хўжалик раҳбарлари бундан ҳануз хулоса чиқариб олишмаган кўринади.

Совхоз бош зоотехниги С. Адилбековнинг ҳисобкитоб дафтарида бузоқларга кунига 300 килограммдан зиёд сут бериляпти, деб қайд этилмоқда. Текшириб кўрилганда, бузоқларга жами 150 килограмм атрофида сут ажратилаётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, хўжаликнинг «уддабурон» мутахассислари тайёрланаётган кундалик сут ҳажмини ошириб кўрсатиш учун йўқ сутни бузоқлар ҳисобига ёзишаркан.

— „Саркисов номли хўжаликда парвариш қилинаётган 1186 бош қорамолнинг 20 процентидан зиёди оғир аҳволда, — дейди область агросаноат комитети чорвачилик бўлимининг бош мутахассиси А. Қораев, — 50 процентдан кўпроғи эса ўртача семизликдан паст.

Райондаги «Октябрь 50 йиллиги», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозларида ҳам чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрилмаган. Хўжаликларда хатто чорвадорлар учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган. Ленин номли совхоз-техникум сут-товар фермасининг биринчи бригадаси соғувчилари учун дам олиш хонаси йўқ. Совуқ дамларда хатто улар бир пас исиниб оладиган жойнинг ҳам йўқлиги ачинарли. Учинчи бригаданинг дам олиш хонасида эса турли асбоб-ускуналар, идиш-товоқлар сақланмоқда. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг соғувчи ва молбоқарлари иссиқ кийим-бош билан таъминланмаган. Уларнинг ишга келиб-кетишлари учун транспорт ажратилмаган.

Район хўжаликлари раҳбарларининг чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни камайтирмаслик ҳақидаги ваъдалари қуруқ сўз бўлиб қолмоқда.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

МУРАББИЙ ҲОМИЙЛИГИДА

● Гулчеҳра Жуманиёзова билан Раъно Ибодуллаева жуда мамнунлар: янги йилдан уларни Хива тикувчилик фабрикасининг энг яхши тикувчи моористларидан бири Онажон Раҳимовага бириктириб қўйишди. Ёш ишчилар мураббия ҳақида кўп яхши гапларни эшитишган эди. Улар Онажон зарбдорларча меҳнат қилиб, ўзининг бой тажрибасини сахийлик билан баҳам кўришини, ўнлаб моҳир ишчи хотин-қизларни тарбиялаганини билишади.

Кўп йиллар мобайнида О. Раҳимова эркаклар шимлари тайёрланадиган потокдаги 30 та операцияннинг барчасини мукаммал эгаллаб олди. Ҳозир у бемалол ҳар қандай тикувчининг ўрнини эгаллай олади, истаган жойда топшириқни ортиғи билан адо этади. У тиккан кийимлар ҳам пишиқ, ҳам бенуқсондир. Онажон ўз йиллик нормасини муддатидан бир квартал барвақт адо этиш ниятида.

Бир вақтлар унинг Хоразм тикувчилик бирлашмасининг энг яхши ишчилари чеварликка ўргатишган эди. Бу ерда у Хива фабрикасининг бир гуруҳ бўлажак ишчилари билан практикани ўтаган эди. Энди эса Онажоннинг ўзи ёшларни ўргатмоқда.

ЧИҚИТЛАРДАН ДАРОМАД

● Пойтуг йигирув-тўқув фабрикаси хўжалик ҳисобига ўтганлиги туфайли ишчилар чиқитсиз ишлаб чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Меҳнат пираворд натижаларининг иш ҳақига таъсири коллективни товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш тўғрисида жон куйдиришга даъват этмоқда.

Кўп вақтлардан буён бу ерга келтириладиган пахта толалари тойларини боғлаб турувчи металл ленталар чиқитга чиқарилар эди. Усталар эса уни ишга солдилар: хоналардан бирига дастгоҳлар қўйиб, ромлар, айвонлар, полизлар, ёдгорликлар учун чиройли панжаралар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Бу маҳсулотга фақат андижонликларнинггина эмас, Қирғизистоннинг Ўш областидаги қўшиналарнинг ҳам талаби катта бўлмоқда. Фабриканинг ёрдамчи цехида ойига 10 минг сўмликдан ортиқ ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг асосий чиқитидан тикув буюмлари — енгил автомашиналар учун бўз ғилофлар чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Пахта терими мавсуми бошланишига, ўтган йилдагидек, теримчилар учун қарийб юз минг сўмлик этак тикиб беришни мўлжалламоқдалар.

(ЎзТАГ)

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

31 январь куни КПСС Марказий Комитетида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг СССРдаги миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Пленумига тайёргарлик кўриш муносабати билан иттифоқдош республикалар ҳамдўстлигининг социал-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Кенгаш ишида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарлари — социал-иқтисодий сиёсат масалалари билан шуғулланувчи комиссияларнинг раислари, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари раисларининг ўринбосарлари — Госпланларининг раислари, марказий иқтисодий муассасалар ва бошқа идораларнинг, СССР Фанлар академиясининг раҳбар ходимлари, КПСС Марказий Комитетининг ходимлари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. Н. Слюньков кенгашни очиб, КПСС Марказий Комитетининг Пленумига тайёргарлик кўриш даврида партия комитетлари миллий масаладаги амалий сиёсатни чуқур таҳлил этишлари кераклигини таъкидлади. Бу таҳлил мавжуд ютуқларни ҳам, шунингдек етилган муаммоларни ҳам акс эттириши, шу муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ойдинлаштириб бериши лозим. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисидаги» резолюциясига мувофиқ марказда ва республикаларда КПСС Марказий Комитетининг шу масалага бағишланган Пленумига тайёргарлик авж олиб кетди. СССР Министрлар Советида «Ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида иттифоқдош республикаларда экономикага ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принципларини»ни ишлаб чиқиш ниҳоясига етмоқда. ССР Иттифоқининг «Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси тайёрланмоқда. Қонун устидаги иш қандай бораётганлиги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросида кўриб чиқилди. Бу лойиҳалар кенг миқёсда муҳокама қилиниши лозим.

Кенгашда республикаларнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, уларнинг умумиттифоқ экономикасига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш муаммолари, республикалараро алоқаларни яхшилаш, иттифоқдош республикаларнинг манфаатларини умумхалқ социалистик мулкини мустаҳкамлаш негизида умумдавлат манфаатлари билан мувофиқлаштириш йўллари кўриб чиқилди.

Ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш масалаларига катта эътибор берилди. Ҳозирги вақтда амал қилаётган иқтисодий механизм маҳаллий омилларни дуруст эътиборга олмай қурилганлиги қайд этилди. Бошқарувнинг бўйруқбозлик - маъмуриятчилик усуллари устунлик қилаётганлиги, моддий ва молиявий ресурслар марказий идораларнинг ихтиёрида ҳаддан ташқари марказлаштириб қўйилганлиги, совет ҳокимиятининг республика ва маҳаллий органлари иқтисодий негизи торайтирилганлиги территориал пропорцияларнинг бузилишига олиб келмоқда. Жиддий маҳаллий муаммоларни келтириб чиқармоқда, социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда республикаларнинг мустақиллигини қисиб қўймоқда, жойларда ҳал этилиши лозим бўлган кўпгина масалаларни марказнинг гарданига юклашга интилишни юзага келтирмоқда.

Кенгаш қатнашчилари республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини анчагина кенгайтириш, бир қанча вазифалар, ҳуқуқлар ва масъулиятни уларга топшириш кераклигини айтдилар. Ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтилиши, республикаларда шу вазифаларни амалга ошириш учун пухта моддий-молиявий базанинг вужудга келтирилиши шунга кўмаклашмоғи лозим. Республикаларнинг ҳаражатларини уларнинг молиявий ресурслари билан боғлиқ қилиб қўйиш зарур, бу ресурсларнинг ҳажми эса ўз навбатида улар территориясида жойлашган барча корхоналарнинг иши самарадорлигига ва пировард натижаларга боғлиқ бўлиши керак.

Сўзга чиққан ҳамма нотиқлар кучли марказ билан кучли республикаларни уйғунлаштириш зарурлиги тўғрисидаги тезисни астойдил қўллаб-қувватладилар.

Н. Н. Слюньков якунловчи нутқ сўзлади. Территориал бошқарувни, марказий ва республика органларининг ўзаро алоқаси иқтисодий механизмини қайта қуриш, регионларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш яхлит халқ хўжалик комплексини янада мустаҳкамлашни таъминлаши, кўп миллатли давлатимизнинг, барча республикаларнинг ва СССР халқларининг манфаатлари йўлида территориал меҳнат тақсимотининг афзалликларини янада тўла-тўкис рўёбга чиқаришга кўмаклашиши лозим, деб таъкидлади у. Ғоят хилма-хил табиий-географик ва социал-иқтисодий шароитлари билан ажралиб турадиган мамлакатимиз учун бундай қилиш айниқса муҳимдир. Ўзини-ўзи бошқаришга ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтилиши бюджет системасини, бошқарувнинг ташкилий структураларини обдон қайта қуришни талаб қилади.

Социал-иқтисодий тараққиётнинг Пленумга тайёргарлик даврида жойларда ҳал этилиши мумкин ва лозим бўлган муаммоларига — юқори сифатли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизматларни кўпайтиришга, молиявий аҳволни ва пул муомаласини соғломлаштиришга, иқтисодий ислоҳотни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Бу ишни ҳамма жойда кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюков қатнашди.

(ТАСС).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

31 январь куни Москвада, Союзлар уйида СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Сайлов округларидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатишнинг дастлабки якунлари кўриб чиқилди. Бу округлардан халқ депутатлигига 7,5 мингдан кўпроқ номзод ёки ҳар бир мандатга ўртача 5 номзод кўрсатилди.

Жамоат ташкилотларидан халқ депутатлигига номзодларнинг состави тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида жамоат ташкилотларининг пленумларида муҳокама қилинган 2 мингдан кўпроқ номзоддан 750 депутатлик мандатига 880 номзод рўйхатга олинганлиги таъкидланди. Шулардан 198 киши хотин-қизлар, 778 киши КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, 103 киши комсомол аъзолари, 140 киши — ишчи, 91 киши — колхозчи, 314 киши — илмфан, соғлиқни сақлаш ходимлари ва ижодкор зиёлиларнинг вакилларидир. Депутатликка номзодлар орасида барча иттифоқдош республикаларнинг, кўпгина миллатларнинг вакиллари бор.

Депутатликка номзод қилиб кўрсатилганлар орасида совет жамияти барча табақаларининг намояндалари борлиги мажлисда қайд этиб ўтилди. Уларни халқ ишончи, қайта қуришдаги фаол позициялари бирлаштириб турибди.

Марказий сайлов комиссиясининг Белоруссия ССР, Москва ва Калуга областларида сайловга тайёргарлик қандай бораётганлиги билан танишган аъзолари И. А. Науменко, А. Н. Каштанов, Д. Н. Кузнецов жойларда ана шу ишларнинг аҳволи ҳақида ахборот бердилар. Округ сайлов комиссияларининг эътибори сайловолди йиғилишларини ташкил этишга пухта тайёргарлик кўриш, депутатликка номзодлар тўғрисида эркин фикр билдиришга шароит яратиш зарурлигига қаратилди. Советларнинг ижроия комитетларига, сайлов комиссияларига участка комиссияларини тузишни тугаллаш, уларнинг иши учун тегишли шароитни таъминлаш комиссия аъзоларининг сайлов тўғрисидаги Қонунни, марказий сайлов комиссиясидан келаётган методик материалларни ўрганишларини ташкил этиш тавсия қилинди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари А. Ф. Федулованинг, гражданлардан комиссияга тушган хатлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Комиссияга 2 мингдан ортиқ ана шундай хатлар келган. Уларнинг кўпида сайлов тўғрисидаги Қонунни қўлланиш билан боғлиқ саволлар берилган, сайлов кампаниясини қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш ҳақида таклифлар киритилган. Совет органлари ва сайлов комиссияларининг қарорлари устидан тушган шикоятлар юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг 1989 йил февраль ойи иш плани, шунингдек бўлажак сайловга тайёргарлик билан боғлиқ бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Ю. Н. Христораднов иштирок этдилар.

(ТАСС).

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

Шу йилнинг ўрталарида Тошкент шаҳрида СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарлари вакилларининг биринчи учрашуви бўлади. Бу катта халқаро тадбирни ўтказиш учун Ўзбекистон пойтахтининг танланиши тасодиф эмас — Тошкентнинг Америкадаги Сиэтл шаҳри билан алоқалари мунтазам мустаҳкамланиб бормоқда, бундай муносабатларни ривожлантиришда катта тажриба тўпланган.

Ана шу учрашувга тайёргарлик қандай бораётгани билан танишиш учун АҚШ биродарлашган шаҳарлари уюшмасининг ижроча вице-президенти Том Гиттинс республика пойтахтига келди.

1 февраль куни Том Гиттинс Тошкент шаҳар ижроия комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ)

● ЗАМОНДОШИМИЗ

ОЛДИНГИ САФДА

— Шу йигит қаерда ишлайди!

— Бирон каттароқ жойда ишласа керак-да, нимайди!

— Ҳамиша башанг кийиниб юради, босиқ-вазмин. Саломалликин канда қилмайди.

Маҳалладошларнинг гапида жон бор. Шокиржон каттакичик орасида ўз ўрнини, обрўсини биларди. Ҳар кимга ўзига яраша муомала қиларди. Заводда уни коржомада кўрганлар ғайрат-шижоатига тан беришади. Кўча-кўйда эса ўзини знёлиларча тутади. Тоза, дид билан кийинади.

Бу йигит ўз революцион ва меҳнат анъаналарига эга бўлган Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-ремонт заводи ветеран ишчилари таълимини олиб вояга етмоқда. Ҳозир Шокиржон — тўртинчи разрядли токарь. Смена топшириқларини ҳамиша орттириб бажармоқда.

Ҳамкасблари Шокиржонни КПСС аъзоси кандидатлигига тавсия этишаётганининг сабаби ҳам шу.

Суратда: корхонанинг сергайрат токари Шокиржон Қурбонов.

Р. ШАРОПОВ фотоси.

• *Мажбуриятлар изидан*

«... Бу йил бош пудрат бўйича 5 миллион 332 минг сўмлик, ўз кучимиз билан эса 3,8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарамиз. 9 минг 657 квадрат метр уй-жой қурамиз. Социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширамиз. Коллективда ижодий, соғлом муҳит яратамиз. Ҳар бир қурувчида топширилган иш учун масъулиятни кучайтирамиз. Интизомни мустаҳкамлаймиз. Тежамкорлик принципига амал қиламиз, асосий фондлардан самарали фойдаланамиз. Меҳнат унумдорлигини планга нисбатан 0,5 процент оширамиз. Қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаймиз, таннархни 0,5 процент камайтирамиз. Қўл меҳнатини 10 процент қисқартирамиз...»

Андижон районидаги 105-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна коллективи 1988 йилда ана шундай социалистик мажбурият қабул қилган эди.

ВАЪДАГА ВАФО

Биз колонна коллективининг мажбуриятларни қандай бажарганлиги билан қизиқдик. Муҳим янгилик шуки, коллективнинг ишга, меҳнатга муносабати ўзгарган. Кичик бригадалар йириклаштирилиб, хўжалик ҳисобида ишлашга ўтказилди. Қурилиш участкаларининг ишини назорат қилиш бригада кенгаши ихтиёрига берилди, илғор қурувчилар унинг тавсияси билан рағбатлантириладиган, мукофотланадиган бўлди.

Натижада қурувчиларнинг масъулияти ортди, интизоми мустаҳкамланди. Иш вақтида бекор ўтиришлар камайди. Иш ҳақи тўлаш тартибга тушди. Коллектив 1988 йил июль ойидан бошлаб, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаяпти. Қўшимча маблағ олмади. Илгари ҳам маблағлар бор эди. Бироқ улар сочиб юборилар ва самара бермасди. Илғор иш усулларига кенг амал қилиш план ҳамда топшириқларнинг ошириб бажарилишига ёрдам бермоқда.

— Коллективимиз қайта қуриш йўлидан бориб, ўтган йили юқори кўрсаткичларга эришди, — деди колонна бошлиғи Нуриддин Еқуббеков. — Бош пудрат бўйича 5 миллион 350 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Бу — 1987 йилдагига нисбатан 1 миллион 694 минг сўмлик кўп. Ўз кучимиз билан 1987 йилга қараганда 1 миллион 279 минг сўмлик кўп ишни амалга оширдик. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилга қараганда 25 процент, қурувчиларнинг ўртача иш ҳақи 13 процент ортди.

Колоннанинг рентабеллик даражаси 14 процентни ташкил этди. Қурилиш ташкилотларида бу юқори кўрсаткич ҳисобланади. Олинган соф фойда 400 минг сўмга етди. Машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш, қўл меҳнатини камайтириш, материаллар, ёнилғи, электр энергияни тежаш ва бошқа сарф-харажатларни чегириш ҳисобига шундай ютуқлар қўлга киритилди.

Аҳолига кўпроқ, яхшироқ уй-жойлар қуриб бериш биринчи планга қўйилди. 9697 квадрат метр уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилди. «Ирригатор» посёлкасида, «Москва» совхозида 16 квартирали уйлар қад кўтарди. Бакиров номли кооператив-1370, «Орол» кооперативи-1390, «Бахт» кооперативи 602 квадрат метр уй қуриб берди. Шу муносабат билан Андижон районида ҳовли тўйлари кўпайди. Киров номли колхоз территориясида паррандачилик фабрикаси ишчилари учун 10 та уй-жой қурилди. Ишчилар янги йилни ана шу уйларда нишонладилар.

Колонна коллективи, мактаб, болалар боғчалари қурилишига ҳам алоҳида эътибор беряпти. Бир йилда 3 та болалар боғчаси қурилди. Улар колхозчиларнинг 400 нафар фарзандини ўз бағрига олди. «Ирригатор» посёлкасида қурилган боғча муддатидан 5 ой илгари ишга туширилди. Хўжаобод районни марказида шу коллектив кучи билан 140 ўринли болалар боғчаси янги йил арафасида фойдаланишга топширилди.

Ахтачи сабзавот сақлаш базасини реконструкция қилиш ҳам шу коллективга топширилганди. 4 минг тонна сабзавот сақланадиган база 9 минг тонналик қилиб қайтариляпти. Колонна коллективи ўтган йили базада 700 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариши лозим эди. Амалда 923 минг сўмлик иш қилинди. Агар буюртмачи ташкилот — область агросаноат бирлашмаси тегишли асбоб-ускуналарни вақтида етказиб берганида реконструкция ишлари аллақачон тугалланган бўларди.

— Ютуқлар ҳақида гап борганда илғор қурувчилар шаънига илиқ гаплар айтгим келади, — деди колонна план бўлимининг бошлиғи Солиҳ Низомов. — Биз прораблардан Э. Азимов, Р. Дунакаев, комплекс бригада бошлиқларидан Ҳ. Насриддинов, Ю. Умаров, ғишт терувчилардан Ҳ. Акбаров, Қ. Хўжаев, дурадгорлардан А. Велиев, У. Тоштемиров, бўёқчилардан А. Садиралиев А. Ҳамдамов, кранчилардан Ф. Ҳасанов, А. Бариевлар ишидан хурсандмиз.

Коллективимизда мастер Х. Эшонхўжаев, ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Р. Солиев, прораб Э. Азимов, бош инженер М. Тўланов каби рационализаторлар бор. Улар «Узгипроплодоовощ» институти мутахассислари билан ҳамкорликда девор панели конструкцияси ўрнига пенопласт материали ишлатиш тўғрисида рационализаторлик таклифи киритдилар. Бу таклифнинг амалга оширилишидан йилига 63 минг сўм фойда олинади.

Колонна коллективи пуллик хизмат кўрсатишни ҳам бирмунча яхшилади. Йил давомида аҳолига 64 минг сўмлик турли хизмат кўрсатилди. Бу — 1987 йилдагидан 60 минг сўмлик кўп. Пуллик хизматнинг афзаллиги шуки, одамлар ўйида қандай иш бўлса, колонна коллективига ариза билан мурожаат қиладилар. Бировга бетон қоришмаси, кимгадир оҳак, ром керак. Яна биров девор урдириди, сувоқ қилдириди. Бунинг учун улар қурилиш материали қидириб юрмайдилар. Битта ариза кифоя. Колонна коллективи мушкулини осон қилади.

— Янги йилдан бошлаб якка тартибда уй қуриб бериш учун ўн киши билан шартнома туздик. — деди колонна бошлиғи.

Буларнинг ҳаммаси олинган мажбуриятларнинг бажарилиши йўлида сабот билан қадам ташланганлигидан далолат беради. Лекин ҳамма соҳада ҳам имкониятлардан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Бунинг учун қурувчилар, монтажчилар, буюртмачилар билан хом ашё етказиб берувчилар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш талаб қилинади. Шу ўринда қурилиш сифати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Эшик ва ромлар сифати хусусида эътирозлар кўп бўляпти. Колонна бундай сифатсиз эшик ва ромларни Ленинск ёғочни қайта ишлаш комбинатидан олади. Комбинат коллективи шериклик юзасидан ўз бурчини ёмон адо этяпти. Оқ қайиндан ясалган эшик ва ромлар очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди.

Мундуз, Хакан ғишт заводларидан олинаётган маҳсулот ҳам сифатсиз. Қурилишда юқори малакали усталар кам. Тажрибали, ишбилармон усталар пенсияга чиқиб кетаётир. Уларнинг ўрнини ҳунар-техника билим юртларини битирган ёш мутахассислар билан тўлдириш кўнгилдагидек эмас. Бунинг устига 20—30 йил илгари белгиланган тариф бўйича кам иш ҳақи тўланаётганлиги ҳам қурувчиларни ишдан совутиб қўйган эди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС меҳнатга янгича ҳақ тўлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Колоннада янги тариф бўйича иш ҳақи тўлаш бошланди. Бу янада унумли ишлашга рағбатлантиради.

Ўртоқ М. С. Горбачев Орёл областида сўзлаган нутқида қурувчиларнинг куч-ғайратини янада ошириш тўғрисида гапириб бундай деди: **«... қишлоқни социал қайта қуриш ҳажмлари ва суръатларини ошириш керак. Кўпроқ уй-жойлар, мактаблар, касалхоналар, йўллар, савдо, маданий ва коммунал-маиший соҳа корхоналарини қуриш лозим. Бунинг учун барча имкониятлар ва манбалардан фойдаланиш даркор».**

Колонна коллективи ана шу йўл-йўриқлар асосида иш юритиб, 1989 йилни яхши бошлади. Бинокорлар бу йил ўтган йилгидан ҳам унумли, сифатли меҳнат қилишга қарор қилишган.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА

ИЖАРА ПУДРАТИ— ХЎЖАЛИК ҚУДРАТИ

Нишон райони чўлқуварлари хўжаликлар экономикасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришда коллектив, оиловий ва ижара пудратини жорий этишга алоҳида эътибор беришяпти.

Районда чиқадиган **«Меҳнат байроғи»** газетаси яқинда ўзининг навбатдаги сонини ижара пудратига бағишлади. Район партия комитетининг биринчи секретари Х. Фармоновнинг «Истиқболли йўл» сарлавҳали мақоласида районда экономикани юксалтириш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, чек системасида иш юритиш, ижара пудратини қўллаш соҳасидаги тажрибалар ва мавжуд муаммолар атрофлича таҳлил қилинган.

Шунингдек, «ВЛКСМ XVIII съезди» совхози ғаллачилик бригадаси бошлиғи Ҳ. Худойбердиевнинг «Имкониятлар ишга солинмагач», «Ширинобод» совхози сабзавотчилик ва боғдорчилик бригадаси бошлиғи Б. Мирзаевнинг «Маъмурчилик манбаи», Чўли Бегумқулов номли совхоз бригада бошлиғи Р. Норовнинг «Муваффақият омили», У. Юсупов номли совхоз-техникумининг пахтачилик бригадаси бошлиғи А. Норқуловнинг «Қатъиятлик билан иш кўрсак» сарлавҳали мақолаларида пудратни қўлланиш соҳасидаги ишлар ёритилган. Район газетаси қайта қуриш талабларидан келиб чиқиб, сўз ва иш бирлигини амалий жиҳатдан таъминлаш учун ўзи бошлаган мавзуни изчил давом эттириши зарур.

Дунё овози

МУШТАРАК МУДДАО

1969 йилнинг 1 февралида Перу билан СССР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги Лотин Америкасидаги ана шу мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилди. Бундай муносабат ўрнатилганлиги Перунинг социалистик давлатлар билан дўстона алоқалари ва самарали ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам асос солди.

Перулик машҳур жамоат арбоби, генерал Х. Веласко Альварадонинг тараққийпарвар ҳарбий ҳукуматида (1968—1975 йиллар) собиқ ташқи ишлар министри истеъфодаги генерал Эдгардо Меркадо Харрин шуларни айтди. У ТАСС мухбири билан суҳбатда Совет Иттифоқи ўзининг Перу билан ҳамкорлигини адолат, тенглик ва ўзаро нафли асосга қураётганлигини таъкидлади.

Э. Меркадо Харрин кейинги вақтда Перу—Совет муносабатлари янада жадал ривожланаётганидан мамнуният билдирди. Тинчлик ва қуролсизланиш, ядро ҳалокати хавфини тугатиш, янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш йўлидаги муштарак муддао мамлакатларимизни бирлаштириб турибди, деди у. СССРда амалга оширилаётган қайта қуриш иккала халқ манфаатлари йўлида ва ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида Перу—Совет ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун бой имкониятлар очиб беради, деб таъкидлади Э. Меркадо Харрин.

(ТАСС).

Қўзғолончилар зарбалари

Ўтган ҳафта мобайнида Сальвадор қўзғолончилари Дуартенинг халққа қарши режими армиясининг 167 солдат ва офицерини сафдан чиқардилар.

Яширин ишлаётган «Венсеремос» радиостанциясининг хабар беришига қараганда, Фарабундо Марти номли миллий озодлик фронтининг жангчилари ҳарбий объектларга ҳужумлар чоғида, пистирмада туриб ҳамда йўлларга мина қўйиб душманга анча кўп талафот етказдилар.

«Венсеремос»нинг хабар беришича, ҳозирги вақтда партизанлар кўпроқ шаҳарларда ҳаракат қилмоқдалар, бу ерларда армия Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти қўпорувчи отрядларнинг жанговар операцияларини бартараф этишга қодир эмас.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

● НЬЮ-ЙОРК

БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр Эрон-Ироқ можаросини бартараф этиш юзасидан ўзининг махсус вакили Ян Элиассоннинг регионга қилган сафарини БМТ Хавфсизлик Кенгаши 598-резолюциясини бажариш борасидаги куч-ғайратларни давом эттириш учун жуда фойдали, деб ҳисобламоқда.

Перес де Куэльр сешанба куни Элиассоннинг Бағдод ва Теҳронда олиб борган музокаралари ҳақидаги ҳисоботини эшитди. БМТ Бош секретари яқин вақт ичида Нью-Йоркда иккала мамлакат ташқи ишлар министрлари билан учрашишга умид боғламоқда, улар хавфсизлик кенгашининг Эрон ва Ироқда БМТ ҳарбий кузатувчилари группасининг мандатини узайтириш масаласига бағишланган мажлисида қатнашиш учун келишлари кутилмоқда.

Иккала мамлакат ташқи ишлар министрларининг БМТ Бош секретари номига яқинда юборган мактублари 598-резолюцияни бажаришга доир музокараларнинг тўхтаб қолганлиги ҳали бартараф этилмаган бўлса ҳам иккала томон БМТ вакиллари билан маслаҳатлашувда ҳамкорлик руҳини намоён этаётганликларини кўрсатиб турибди.

● ВАШИНГТОН

АҚШ Президенти Жорж Буш сешанба кўни Виржиния штатидаги Норфолкда жойлашган ҳарбий-денгиз базасига борди, бу Қўшма Штатларнинг Атлантика соҳилидаги энг катта базасидир.

Жорж Буш «Америка» авианосецида кема командаси ва шу ерда жойлашган кемасозлик корхонаси ишчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Буш Пентагон эҳтиёжлари учун маблағ ажратиш масаласига тўхталиб, бу соҳада «маблағларни талон-торож қилиш ва нотўғри сарфлашни бутунлай тугатиш» зарурлигини айтди. «Қурол-яроғларни сотиб олиш чоғида биз қаттиқ назорат жорий этишни ва тағин ҳам пухта стандартларни белгилашни хоҳлаймиз ва биз бунга эришамиз», — деди у.

Буш АҚШ 41-президенти сифатида ўзининг пойтахтдан четга қилган биринчи сафарини айни шу мавзуга бағишлаганлиги тасодифий эмас. Рейган маъмурияти чоғида ҳарбий пудратчилар билан Пентагон вакилларининг қаллоблиги тезлигида авж олиб кетган жанжал ҳали ҳам давом этмоқда. Ҳозирги вақтда мудофаа министрлиги хизматчилари пора эвазига маҳфий маълумотларни корпорациялар кўлига топшириб, шу тариқа фойдалироқ шартлар билан ҳарбий шартнома тузишда уларга ёрдам берганликларига алоқадор бўлган бир қанча ҳоллар текширилмоқда.

● НЬЮ-ЙОРК

АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг заправка қилувчи КС-135 самолёти сешанба куни Техас штатидаги Дайес авиабазасига қулаб тушди.

Шохидларнинг далолат беришларича, ҳаво танкери учиш-кўниш майдонидан кўтарилиши биланоқ қийшайиб, қаноти ерга тегди. Натижада самолёт ерга урилиб портлаб кетди.

Мутахассислар воқеа тафсилотига қараб парвоз қилиш чоғида моторлардан бирининг ишида жиддий носозлик юз берган, деб ҳисоблашмоқдалар. Авиабаза вакиллари самолётда ҳаводга қўшимча равишда заправка қилиш учун ёнилғи борйўқлигини айтмадилар.

КС-135 самолётида 19 киши бор эди. Улардан нечтаси омон қолгани ҳақида маълумотлар йўқ.

● ВАРШАВА

Алоқанинг энг қадимий турн ишқибозлари Польшанинг Катовице шаҳри осмонида ўзлари боққан каптарларни синаб кўрдилар.

Хат ташувчи каптарлар 21 жаҳон олимпиадаси Совет Иттифоқи ва Чехословакия командаларининг ғалабалари билан тугади. Мусобақаларда жами 400 дан кўпроқ қанотли почтальон қатнашди, улар 20 та миллий федерацияга қарашли эди.

Олимпиада доирасида кўргазма ва ким ошди савдоси бўлди, бу кўргазма ва ким ошди савдосида Бельгия, немис, голланд зотли каптарларни сотиб олиш мумкин эди. Хат ташувчи каптарлар ҳаваскорлари жаҳон федерациясининг конгресси ҳам бўлди. Совет Иттифоқи федерацияга аъзо бўлиб кирди. Навбатдаги икки олимпиада ўтказиладиган жой аниқланди, улар яқин тўрт йил ичида Италия ва Испанияда ўтказилади.

ГФРдан Йозеф Кохаус федерациянинг янги президенти қилиб сайланди.

(ТАСС, 1 февраль).

ҲУКУМАТ ҚАРОРИ

Даунинг стрит 10-уйдаги Британия бош министрлари қароргоҳини йўлнинг нариги чеккасидаги Сент-Жеймс боғидан ажратиб турадиган баландлиги қарийб 4 метр бўлган қалин девор кўтаришга қарор қилинди. Буюк Британия ҳукумати шундай қарорни қабул қилди.

Мазкур девор ҳукумат бошлиғи қароргоҳини террорчилар ҳужумидан яхшироқ муҳофаза этишга мўлжалланган. Бу деворга кузатиш, муҳофаза этиш ва қўриқлашнинг энг янги электрон воситалари ўрнатилади, унга зирҳли кошинлар қопланади. Натижада деворга снарядлар ва ракеталар ҳам шикаст етказа олмайди. Бу қурилиш 210 минг фунт стерлингга тушади.

Янги девор баландлиги 2,5 метр бўлган ҳозирги девор ўрнида тикланади, экспертларнинг фикрича, эски девор путурдан кетди ва хавфсизликни таъминлашнинг талабларига яраша эмас.

(ТАСС).

ФИРЪАВН ҲАЙКАЛИ

Мисрнинг кўҳна пойтахти Луксорда жуда ажойиб топилма қўлга киритилди. «Ал-аҳром» газетасининг хабар беришига қараганда, тасодиф туфайли XVIII сулолага мансуб Фиръавн Аминхотип III ҳайкали ва бошқа буюмлар яшириб қўйилган жойга дуч келинди.

Кўпдан-кўп сайёҳлар ҳар куни машҳур Луксор ибодатхонасига келиб туришади, Аминхотип III залини кўришади. Ана шу томошабинлар оёқлари остида хазина яширинлиги ётибди, деб сира ўйлашмаган эди. Зал тозаланаётган вақтда кузатувчи мутахассис бир парча силлиқланган гранит қумдан чиқиб турганлигига эътиборни қаратди. Маълум бўлишича, бу Аминхотип III жуда яхши сақланиб қолган 2,5 метрлик ҳайкалнинг сураси экан.

(ТАСС).

ПОЛИЦИЯ ТЕРРОРИ

16 январь куни полициячи Уильям Лозано негр Клемент Ллойдни ўлдиришда айбланиб, қамоққа олинганлиги Майамидаги қора танли аҳоли қаҳр-ғазаби пайини қирқишга қаратилгандир. «Тартиб посбонлари»нинг шафқатсизлиги ва қотилни жавобгарликка тортиш тафсилотлари тараққийпарвар жамоатчиликнинг ана шу фикрга келиши учун асос бўлди.

Полициячи тўпончадан узган ўқдан негрнинг ҳалок бўлиши туфайли намойишлар авж олиб кетди. «Қонун ҳимоячилари» намойишчиларни шафқатсизлик билан бостирдилар, натижада 11 киши яраланди, 372 киши қамоққа олинди.

«Қотилга нисбатан енгил айб қўйилганлиги ва гаров пулининг ҳаддан ташқари кўп эмаслиги Майамидаги негрларга ўтмишдаги фожиа бошланишини эслатади», деб таъкидлайди АП агентлиги.

● МУТАХАССИС НУҚТАИ-НАЗАРИ

ПАХТА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН КУРАШ— СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШ ЭДИ

● КЕЙИНГИ вақтларда айрим доираларда «пахта етиштиришни кўпайтиришни Ўзбекистонга Сталин тиқиштирган эди», деган фикрлар айтилмоқда. Хусусан, «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 7 январь сонида босилган шоир Муҳаммад Солиҳнинг «Рост қайда, ёлғон қайда?» сарлавҳали мақоласида, жумладан, шундай сатрлар бор: «Сталинча «пахта мустақиллиги» концепцияси бизнинг халқимизни пахтага занжирбанд қилиб қўйди» дейилади унда.

Шу муносабат билан мен пахтачилик тарихи бўйича кўп йиллардан бери иш олиб бораётган мутахассис сифатида бу муҳим масалага аниқлик киритишни лозим топдим. Мамлакат пахта мустақиллигини таъминлаш учун курашнинг бош ташкилотчиси ва илҳомчиси Сталин ва у томонидан ўйлаб чиқилган «сталинча концепция» эмас, балки бу бутун партия шиори эди.

Одатда тарихий босқичларга баҳо бераётганда ҳиссаяжон, эмоциядан мутлақо юқори турмоқ, фақат тарихий далиллар асосида фикр юритмоқ даркор. Фактларга мурожаат этайлик: мамлакат биринчи жаҳон уруши арафасида ғоят қолоқ, камбағал эди. Ҳар бир киши ҳисобига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш Америка Қўшма Штатларига нисбатан 10 марта, ривожланган Европа мамлакатларига нисбатан 5 марта кам эди. Социалистик революциядан сўнг авж олиб кетган гражданлар уруши туфайли у янада ночор аҳволга тушиб қолди. Ана шундай оғир вазиятда революцион ҳокимият олдида мамлакатни боқиш ва кийинтиришдек ниҳоятда мушкул, мураккаб вазифа кўндаланг турарди. Бунинг устига четдан тўқимачилик хом ашёси етказиб бериш тўхтаб қолди. Чунки Ғарбий Европа мамлакатларининг ўзига хом ашё етишмаётган эди. Шундай шароитда В. И. Ленин айтганидек: «Ягона манба Туркистон бўлиб, у яқиндагина оқ гвардиячилар чангалидан озод қилинди, лекин транспорт йўлга қўйилган эмас» эди.

Коммунистик партия ва ҳукумат пахтачиликни мамлакат халқ хўжалигининг муҳим таркибий қисми деб ҳисоблаб, уни ривожлантириш — ёш ишчи-деҳқон давлатини мустаҳкамлаш ҳамда пахта етиштирувчи районлар, хусусан Туркистонда социалистик қайта қуришни амалга оширишнинг қудратли воситаси деб баҳолади. Пахта мустақиллиги учун кураш социализм учун курашга айланди.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг шахсан В. И. Ленин кўрсатмаси билан кўп ўтмай қишлоқ хўжалик экинлари уруғлиги сотиб олиш учун Ер ишлари комиссариатига берилган 10 миллион сўмлик маблағдан бирмунча чигит харидига 430 минг сўм ажратилди.

Ерларни суғориш, Совет Туркистонининг табиий-иқтисодий имкониятларидан оқилона фойдаланиш пахтачиликни тез тиклаб олиш ва ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилди. В. И. Ленин 1918 йилнинг 17 майида «Туркистонда суғориш ишларини ташкил этиш учун 50 миллион сўм ажратиш ҳақида»ги Декретга имзо чекди. Ушбу Декрет ҳам СССРда социализм қурилиши ленинча планининг ажралмас қисми эди. Натижада Мирзачўл ўзлаштирила бошлади. У аста-секин мамлакатнинг асосий пахта базаларидан бирига айланди.

Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси тугатилгач, партия пахтачиликни ривожлантириш, пахтакорларни рағбатлантириш ва пахтачилик хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқди. СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлашнинг ягона йўли — пахтакорлар манфаатдорлигини оқилона ташкил этиш масаласи бўлиб қолди. Шуни таъкидлаш керакки, биринчи жаҳон уруши ва гражданлар уруши натижасида халқ хўжалиги вайрон бўлган ёш Совет давлати учун четдан пахта сотиб олиш — ўз-ўзини ҳалокатга учратиш билан баробар эди. СССРда пахта мустақиллиги кўлга киритилгунга қадар (1932 йил) мамлакатимиз шу мақсад учун йилига 150 миллион сўм (олтин миқдорида) маблағ сарфларди.

РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг Туркистон ва Озарбайжон Совет Социалистик республикасида пахтачиликни тиклаш ҳақидаги 1920 йил 2 ва 27 ноябрь қарорлари партия ва Совет давлатининг узоқ муддатга мўлжалланган муҳим программ ҳужжати бўлиб, улар ҳозир ҳам пахтачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу қарорларда пахтачилик хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари ва одамларни рағбатлантириш борасида партиявий ғамхўрлик ўз ифодасини топган.

ҲОЗИРГИ кунда пахта монокультураси деҳқончиликни янада ривожлантиришга катта тўсиқ бўлиб қолгани яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган нуфузли йиғилишда ҳам очиқ-ошкора айтиб ўтилди. Шу муносабат билан ўз вақтида В. И. Ленин ҳам, партия ҳам пахта монокультурасига ниҳоятда қарши бўлганларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарур. Монокультуранинг ҳозирги кундаги ёмон оқибатлари — турғунлик йилларининг маҳсули. Буни аниқ ажратиб олмоқ даркор. Ваҳолонки, ўша 1920 йилларда-ги қарорлардаёқ пахта, ўстириладиган районлардаги ҳамма колхоз ва совхозларда алмашлаб экишни қатъий жорий этиш талаб қилинганлиги фикримизнинг дадилидир.

Қарорларда яна илгари мавжуд бўлган тажриба майдонлари, селекция станцияларини тиклаш ва янгиларини ташкил этиш, пахтакорларни чигит билан ўз вақтида таъминлаш, 1921 йил баҳоригача ирригация иншоотларини тартибга келтириш, пахтачилик хўжаликларига биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ва ўғит етказиб бериш масалалари алоҳида кўрсатиб ўтилган. Пахтакорларни рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқиш, бунинг учун зарур товар фонди ажратиш, топширган пахтаси ҳисобига шартнома асосида аҳолига озиқ-овқат ва кенг истеъмол моллари беришни ташкил этиш, пахтачилик мутахассисларини, улар қайси ташкилот ва идораларда ишлашидан қатъи назар, пахтачилик хўжалигини тиклашга сафарбар этиш вазифалари қўйилган.

СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлашга оид В. И. Ленин имзо чеккан кўплаб ҳужжатлар ҳамда кўрсатмаларни келтириш мумкин. Масалан, доҳийнинг 1921 йил 13 сентябрда А. А. Иоффега ёзган хатидаги мана бу таъкидларга эътибор беринг. «Пахта? Унинг тақдири? Сафаров пахтани нобуд этаётгани ростми? Мисоллар, мисоллар».

Гражданлар уруши тугаб, янги иқтисодий сиёсат (НЭП) жорий этилгач, пахтачиликни юксалтириш учун янги имкониятлар очилди. Шу муносабат билан Коммунистик партия пахтачилик хўжаликларида НЭПни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқа бошлади. РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон

УЗБЕКИСТОН — ҚАРДОШ ТОЖИКИСТОНГА

ЗАРУР ЁРДАМ

«Ҳозир медицина техникаси ва дори-дармонлар ниҳоятда зарур.» — деб жавоб берди Тожикистон соғлиқни сақлаш министри Г. Пўлатова Тошкентдан телефон орқали «Зилзиладан зарар кўрганларга қандай шошилинч ёрдам керак?», деб берилган саволга.

Офат рўй берган районга кўшни Термиз яқин. Ўша ердан 25 январь куни дори-дармон ва ускуналарнинг дастлабки туркуми жўнатилди. Бир марта ишлатиладиган шприцлар ва системалар, оқсил ва юрак препаратлари, таъсир кучи кенг антибиотиклар, дистилляторлар, автоклавалар — буларнинг ҳаммаси вайронагарчилик келтирган табиий офатдан зарар кўрганлар учун ҳозир ниҳоятда зарурдир.

Бу ерда ишлаётган медицина бригадалари ҳозирча ёрдам сўрашмаяпти. Аммо Ўзбекистон санитария авиацияси ҳар қандай дақиқада Тожикистонга мутахассислар группасини жўнатишга тайёр турибди.

(ЎзТАГ).

Кун тартибида—табиат муҳофазаси

ЖАМОАТЧИЛИККА СУЯНИБ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, РЕСПУБЛИКА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ ИНСПЕКТОРИ В. КОНЮХОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Владимир Григорьевич, сизнинг комитетингиз табиатнинг ҳимоячиси бўладиганга ўхшайди. Бунга умид қилса бўладими, ахир жуда кўп муаммолар тўпланиб қолган! Газетхонлар кўп нарса ҳақида сўраб-суриштиришяпти, мана шулардан бири.

Туямўйин сув омборидан Нукусга сув қувури ётқизилмоқда, бу қувур юзлаб миллион сўмга тушади, у Қорақалпоғистон пойтахтини тоза сув билан таъминлаши керак. Лекин яқинда автоном республика матбуоти Туямўйиндаги сув булғанганлигини, унда тузлар, заҳарли химикатлар борлигини хабар қилди. Демак, яна ўша заҳарли сув, лекин энди бу сув бир неча юз миллион сўмга тушадими!

— Биз ана шу сигнални олганимиздан кейин қурилаётган сув қувури лойиҳасини экспертизадан ўтказиш учун талаб қилиб олдик. Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети тузилгунга қадар бундай экспертиза ўтказилмас эди. Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг ўзи «фатво» берар эди. Энди эса лойиҳага Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети экспертлари, жамоат вакиллари баҳо берадилар — бу ишга таниқли олимлар ва мутахассисларни жалб этамиз. Натижасини март ойида хабар қиламиз...

— Башартки, сув сифати ҳақидаги гаплар тасдиқлансачи...

— Қурилишни тўхтатиб қўйишга ҳаққимиз бор. Тўхтатиб қўямиз ҳам.

— Бу келажакдаги гаплар. Лекин шу вақтгача бошбошдоқлик кўп бўлди, табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар қўпол равишда бузилди. Дарёлар қирғоғидаги муҳофаза зонасини олиб кўрайлик. Уларни ихота қилиш қоидаларига риоя этилмайди. Ахир бу сувга пестицидлар, заҳарли моддалар, бошқа ифлосликларнинг тушишига сабаб эмасми!

— Дарёларни чорвачилик комплекслари, корхоналар, боғ ҳовлилар, профилакторийлар, санаторийлар булғатмоқда. Булар қилинаётган ҳунук ишларнинг бир қисми, холос. Ҳозир Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети бундай ишларнинг рўйхатини тузмоқда. Унглаш мумкин бўлган ишларни ўнглаб оламиз — хусусан, дарёлар бўйидаги муҳофаза зоналарини тозалаймиз. Бунда прокурорларнинг ҳам ёрдами керак бўлади. Чунки, зовур сувларини дарёга оқизиш, ҳаром ўлган молларни қирғоққа кўмиш, пионерлар лагеридаги канализациянинг дарёга оқизилиши — буларнинг ҳаммаси қонунни бузишдир.

— Ўнглаб бўлмайдиганларингчи!

— Масалан, Тошкент мотор заводини кўчириб бўлмайди. Ҳолбуки, қонунни бузиш корхонанинг ўзига зарар келтирмоқда: завод Чирчиқ ўзанида жойлашган бўлиб, уни сув босиб кетяпти.

Шуни айтиш керакки, табиатни муҳофаза қилиш қонунларини тузиш маҳалли Советларнинг йўл қўйиб бериши ёки уларнинг фатвоси билан юз бермоқда.

— Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг асосий позициялари ҳақида, келгусига мўлжалланган программалар тўғрисида батафсилроқ сўзлаб беринг.

— Ҳавони, қисман сувни муҳофаза қилиш юзасидан 2005 йилгача мўлжалланган тайёр программа бор. Сув ва ер ресурсларини, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини, ўрмон хўжалигини муҳофаза қилишнинг истиқболли программалари йўқ. Келгусидаги режаларни аниқлаб олиш учун республикада барча объектларни тўла рўйхатга олиб чиқяпмиз. Орол бўйидаги экологик кескинликни пасайтириш, Зарафшон дарёсининг бактериялар билан булғатилишини камайтириш — биринчи навбатдаги вазифадир, жуда кўп чорвачилик комплекслари оқинди сувларни дарёга ташлаб юбормоқда. Фарғона, Олмалиқ, Чирчиқ муаммолари шошилинч равишда кўрилиб чиқиши керак. Бу йил пестицидлар муаммосини — тупроқни химикатлар билан булғатиш муаммосини ҳал қиламиз. Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг барча турларини сақлаб қолиш чораларини кўрамиз.

— Бу чора-тадбирлар натижаларини қачон кутиш керак!

— Шу дақиқада натижа бермайди... чиқитларда зарали моддалар белгиланган даражадан ортиқча бўлишига йўл қўяётган ҳамма заводларни бирданига ёпиб қўйиб бўлмайди. Ҳамма дарёларни бирданига ташланма сувлардан тўсиб бўлмайди.

Шунга қарамай, ҳар ҳолда аҳвол ўзгара бошлади. Масалан, 1983 йил Ўзбекистонда ҳавони булғатиш авжига чиққан йил бўлди: корхоналар 1,6 миллион тонна заралли моддаларни ҳавога чиқариб юбордилар. 1988 йилда эса улар тўртдан бир баравар камайтирилди. Ваҳолонки, ана шу даврда янги заводлар ҳам қурилди ва фойдаланишга топширилди. Айни шу ўзгаришлар заралли моддаларни ҳавога чиқазиб юбориш ва дарёларга оқизишнинг камайиши, табиат ресурсларидан фойдаланиш сифати ишимизнинг мезони бўлиб қолди.

— Юқори ташкилотлардан қилинган тазйиққа қарамай, ўтган йили Китобда цемент заводи, Солнечний посёлкасида керамзит заводи қуриш режаларига қўшилмадингиз.

— Давом эттираман: Чирчиқ шаҳрида капролактам комплексининг иккинчи навбатини, «Таштекстильмаш» заводининг янги қуюв цехини, Чирчиқ «Электрохимпром» ва Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаларида янги цехни қуришга рухсат этмадик. «Фергананефтеоргсинтез» бирлашмасида янги цех, Ангрен яқинида цемент заводи, Навоий электрохимия заводида пестицидлар ишлаб чиқарадиган қувватларни қуришга рухсат бермадик.

Бу лойиҳалар ва бошқа бир қанча лойиҳалар бизнинг экспертизамиздан ўтмади. Ҳар қандай қурилиш турли оқибат келтириши мумкин. Бу оқибат қандай бўлади? Ҳаво, сув, тупроқ юзасидан ўтказиладиган экспертизалар ана шуни аниқлаб бериши, янги қурилишнинг табиий муҳитга ўтказадиган комплекс таъсирини аниқлаб бериши керак.

—Газетхонлар номидан шубҳаланиб сўрашга рухсат этгайсиз: сизлар ўтказаётган экспертизани холис, деб бўладими!

—Уни манфаатдор бўлмаган идоралардан, шу жумладан бошқа республикалардан жалб этилган мутахассислар бажарадилар. Айни вақтда жамоат экспертлари ҳам иш олиб боради. Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ҳузурида Орол, сув ресурслари, ҳаво, экологик пропаганда секциялари бўлган жамоатчилик кенгашини тузмоқдамиз. Ўзини ишчанлиги билан кўрсатган кишиларни таклиф қиламиз. Улар ҳам экспертиза натижаларини муҳокама қилишда қатнашадилар. Бундан ташқари матбуотга ҳам «хуш келибсиз» деймиз.

— Нозикроқ савол: нима учун сиз Ғазалкентда контроль ўлчаш аппаратлари заводи қуришга қарши чиққан кишиларга қўшилмадингиз!

— Чунки лойиҳа бизнинг экспертизамиздан ўтган эди (олдин айтганимиздек, экспертизамиз талаблари жуда қатъий) ва Бўстонлиқ районидаги табиати учун мутлақо хавфсиз, деб тан олинган эди. Корхона қурилиши шундан кейингина бошланган эди. Аммо, аҳоли орасида жуда кўп, жумладан бу ерга гўё минглаб кишилар кўчириб келтирилиши ҳақида миш-миш тарқалди. Ҳеч ким аниқ маълумотларни эътиборга олмади—чамаси, бундай маълумотга қизиққанлари ҳам йўқ...

— Лекин бу маълумотлар устида муайян белги бор эди...

— Дастлабки пайтда шундай белги бор эди. Ҳозир эса бундай белги бу заводдан ҳам, олдин маълум қилиш таъқиқлаб қўйилган бошқа кўп экологик маълумотлардан ҳам олиб ташланган. Сиз ўзингиз, ЎзТАГ ўтган йилнинг сентябридан буён экологик обзоримизни матбуотга етказиб бераяпсиз. Яқин вақтгача бундай обзорларни эълон қилишни хаёлга ҳам келтириб бўлмас эди.

Ҳозир биз мутахассисларга ва жамоатчиликка бир-бирмизнинг гапларимизга қулоқ солиш ва бир-биримизни тушинишни ўрганиб олиш жуда муҳимлигини таъкидламоқчиман. Жамият экологик саводсизликни тугатиши лозим. Шуни ҳам айтиб ўтай, Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетида ишлаётган кўпгина ходимлар олдида ҳам ана шундай вазифа турибди.

— Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг инспектори—у қандай бўлиши керак!

— Жуда кўп янги одамлар келган. Жазирама иссиқ ва совуқда корхоналарга бориб, зарур бўлса томга ҳам чиқадиган, ертўлаларга ҳам тушадиган, ўз вазифасини бажариш йўлида ҳеч қандай қийинчиликдан тап тортмайдиган кишиларгина қоладилар... Муҳитни муҳофаза қилиш учун инспекторнинг масъулияти директорнинг масъулияти билан баробар. Агар кўрсатма бажарилмаётган бўлса, бунинг сабабини ундан сўрашга, унга ишончсизлик билдиришга, қайта аттестациядан ўтказишга, мукофотдан маҳрум этишга ва ниҳоят, ишдан четлатишга ҳақлимиз.

— Владимир Григорьевич, биз суҳбатлашаётганимизда Ўзгидрометдан сизга ташвишли телефонограмма келди: Порлатов районида Амударёнинг йўли тупроқ билан тўсиб қўйилибди. Бу қандай аҳвол!

— Тўсиқни «Аралводстрой» трести Мўйноқдан 20-30 километр масофада барпо этди. Қорақалпоғистондан олинган хабарда айтилишича, бу тўсиқ яйловлар ва пичанзорларга сув чиқариш учун дарё сувидан комплекс фойдаланиш, шунингдек Мўйноқ районидаги балиқ боқиладиган кўлларни сув билан гарантияли таъминлаш мақсадида қурилган, 350-400 миллион куб метр сув тўпланганидан кейин ортиқча сув Орол денгизига оқизилади. Оролга 1988 йилда тушган сув эса деярли икки баравар кўпайди.

— Демак, ташвишланишга асос йўқ эканда!

—Бор бўлганда қандай. Табиатга ҳар қандай аралашиш хусусида олдин биз билан келишиб олиш керак, лекин қилар ишни қилиб қўйиб, сўнгра бизга бу ҳақда хабар беришяпти. Иккинчидан, «Аралводстрой» тўсиқ қуриш учун денгизга эмас, балки ўзига қулай пайтни танлади. Учинчидан, умуман, шу тўсиқнинг ўзи керакми? Ахир, унинг лойиҳаси экологик экспертизадан ўтмаганку.

Бундай кутилмаган «совғалар» кам эмас. Уларни истисно қилиш учун қурилаётган барча сув хўжалиги объектларини ҳисобга оляпмиз. Уларни экспертизадан ўтказамиз.

— Суҳбатимизни экспертиза ўтказиш зарурлигидан бошлаган эдик, яна шу масалага қайтдик. Фабрикалар, заводлар, электр станцияларни жойлаштиришда, каналлар ўтказишда қанчадан-қанча хатоларга йўл қўйилди —ҳеч нарса қурмаслик яхшироқдек туюлади... Шунга қарамай, Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетига юқоридан мутлақо тазйиқ ўтказилмаслигига ҳали ҳам шубҳамиз бор. Сизнинг комитетингиз республика Министрлар Совети ҳузурида ташкил этилган. Госплан планлаштириб, Министрлар Совети тасдиқлагандан сўнг сиз орқасидан эътироз билдириб юрасизми!

— Бошқача йўли бор: истиқболдаги барча халқ хўжалик планларини олдиндан экспертиза қилиш керак. Республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемасини ишлаб чиқиш чоғидаёқ экспертизани бошлаб юборса бўлади. Бундай истиқбол схемалари айни ҳозирги пайтда—афсуски, кўп жиҳатдан эскичасига тайёрланмоқда. Госплан билан ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш кенгаши яна мавжуд табиат ресурслари ва ишчи кучига асосланиб иш тутмоқда, экология муаммолари орқага суриб қўйилган. Схема билан таништириш ҳақидаги илтимосларимизга ҳозирча жавоб беришмаяпти. Кейинчалик янги муаммолар келиб чиқмаслиги учун схема билан таништиришни талаб қилишга мажбур бўламиз.

— Сизнинг тақиқлаб қўйиш ҳуқуқингиз борми!

— Ҳуқуқларимиз жуда катта. Аммо ҳозир айтганимдек, баъзи ҳолларда ҳуқуқимиз камлик қилиб қолмоқда. Бундай ҳолларда жамоатчилик мададисиз ишни уддалай олмаймиз, деб ўйлайман.

— Бу масала равшан. Энди ревизия қилиниши, барча объектлар ҳисобга олиниши керак. Сизнинг назоратингиз қанчалик изчил бўларкин!

— «Унутиб қўйишга» электрон ҳисоблаш машинаси йўл қўймайди: унинг ёрдамида маълумотлар тўпланади. Бошқа нарса мураккаброқ. Бизнинг ўз фанимиз йўқ, бутун умидимиз Фанлар академияси, тармоқ институтларининг олимларидан. Ишларнинг бир қисмига буюртма берамиз ва пул билан таъминлаймиз. Экология масаласига ҳеч ким лоқайд қарамайди, деб умид қиламиз... Ваҳолонки, масалан, ВАСХНИЛ Урта Осиё бўлими Сариосиё районидаги ўткир экология муаммоларига доир программани барбод қилмоқда. Биз Фанлар академияси ҳузуридаги экономика институтидан кўп нарсани кутган эдик, лекин институт табиатни муҳофаза қилиш бўлимини умуман тугатиб юборди.

— Бундай муаммолар батафсил таҳлил этишни талаб қилади, албатта. Сизнинг режаларингизга қараганда, келгусида сизнинг ўз идорангизда ҳам, баҳсларда, брифингларда, матбуот конференцияларида, телевидение, давра суҳбатида, газетхонлар билан «бевосита алоқаларда» ана шундай таҳлил олиб борилади. Лекин яна бир долзарб масала бор: бу ернинг ҳолати ҳақидаги масаладир.

— Ҳозир ернинг дардини аниқлайдиган диагнознинг ўзи йўқ. Уни қандай даволаш ҳақида қўлланма ҳам йўқ. Республикада агрохимия хизмати йўқ. Тупроқ ҳам мунтазам назорат қилиб борилмайди. Ерлар таркибидаги микроэлементларга қараб районлаштирилмаган, «табиатга қайтариш қонуни» бузилмоқда: тупроқдан қанча элемент олинган бўлса, худди шунча элемент қайтарилиши керак. Ерга солинадиган ўғит ва пестицидлар миқдори ҳам, таркиби ҳам илмий жиҳатдан асосланмаган. Бу йил биз шу соҳада тартиб ўрнатиш программасини белгиладик, бироқ, фаннинг ёрдамисиз бу ишни уддалаб бўлмайди.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзТАҒ мухбири.

ТАРАДДУД

Айни кунларда Китоб районидаги «Китоб» совхози парник хўжалиги коллективи эртаки сабзавотларнинг кўчатларини тайёрламоқда.

Маҳмуд Аҳмедов бошлиқ сабзавотчилик бригадаси совхоздаги илғор коллективлардан ҳисобланади. Улар ўтган йили мўл ҳосил етиштириб, кўпчиликни қувонтиришганди. Бу йил эса эрта кўкламдаёқ сабзавот кўчатлари экиб, 7300 тонна витамини маҳсулот етиштиришга аҳд қилишган.

Суратда: М. Аҳмедов бошлиқ бригада парникида.

Ш. ШАРОПОВ фотоси (ЎзТАГ).

Коммунистик партиясига йўллаган 1921 йил 11 январидаги циркуляр хатида (лойиҳаси В. И. Ленин томонидан ўқиб чиқиб, маъқулланган) ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг кўп қисмини майда деҳқон ва ҳунармандлар ихтиёрида қолдириш, савдо оборотини кенгайтириш, Совет давлати фойдасига солиқ ҳамда тўловларни қатъий чеклаш, пахтакорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу йўл билан совет пахтачилигини юксалтириш кўрсатиб ўтилган эди. Масалан, 1913 йилда пахта етиштириладиган майдонлар 422726 гектар бўлса, у 1918 йилга келиб 80 минг гектарга тушиб қолган эди. Пахтачиликни юксалтириш бўйича кўрилган катта тадбирлар туфайли 1920 йилда 876622 гектар ерга чигит экилди.

СОВЕТ пахтачилигини тез тиклаш ва ривожлантиришга оид партиянинг ҳар бир декрети, ҳар бир кўрсатмаси ва ҳар бир қарори пахтакорларга катта миқдорда маблағ ҳамда пул бериш билан мустаҳкамланди. 1918 йил 9 апрелда Халқ Комиссарлари Советининг тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш учун 502 миллион сўм миқдорида оборот маблағлари ажратиш ҳақида Декрети қабул қилинган бўлса, 1921 йил апрель ойининг бошида республика пахтакорларига аванс тариқасида 28 миллиард 880 миллион сўм ажратилди. Шу вақтнинг ўзида Москвадан 4500 минг аршин мануфактура, 6 миллион галтак ип, 6 вагон маҳаллий чинни идишлар, лампа ва бошқа нарсалар жўнатилди. Агар 1928 йилда республика деҳқонларига 8718 минг пуд галла ажратилган бўлса, 1932 йилда бу миқдор 21425 минг пудга етди. 1928 йили пахтакорларга 138459 минг, 1932 йилда 210555 минг сўм пул тўланди.

Катта тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли республика пахтачилиги 1925—1929 йилларда асосий кўрсаткичлар бўйича урушдан олдинги даражага етган бўлса-да, СССРнинг пахта мустақиллиги ҳали таъминланмаган эди. Лекин тўқимачилик саноатига пахта етказиб бериш тобора ошиб борди.

1929 йил пахтачиликда бурилиш йили бўлди. Республикада пахтакорлар ялписига кооперациялаштирилди, пахта тўла контрактация қилинди, ирригация тармоқлари яхшиланди, уруғлик фонди ошди, экинга солинадиган ўғитлар, ишлатиладиган тракторлар кўпайди.

Шу йили икки тарихий ҳужжат: ВКП(б) Марказий Комитетининг «СССР Главхлопкоминнинг иши тўғрисида»ги 18 июль ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Ўзбекистон партия ташкилотлари иши ҳақидаги» 29 май қарорларида СССРда пахта мустақиллигига эришиш программаси белгилаб берилди. Кейинчалик бу қарорлар ривожлантирилиб, пахтакорларни янада рағбатлантиришга қаратилган қатор тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Шу вақтдан бошлаб, партия «СССРнинг пахта мустақиллиги учун кураш» шиорини олға сурди ва халқ олдига бу мақсадга биринчи беш йиллик охиридаёқ эришиш вазифасини қўйди.

Ана шу вазифаларни бажариш учун ҳукумат пахтакорларга катта моддий ёрдам кўрсатди. Суғориш тармоқлари ва иншоотларини вужудга келтириш, совхозлар, пахта заводлари қуриш ва бошқа агротехника тадбирлар учун тўрт йилда 432 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Бундан ташқари қишлоқ меҳнатчилари кўплаб миқдорда тракторлар, бошқа техника ва асбоб-ускуналар олишди. Натижада Совет Иттифоқида пахтачилик юқори суръатлар билан ривожланди.

Айни пайтда капиталистик мамлакатларда пахтачилик соҳаси орқага қараб кетди. Агар Америка Қўшма Штатларида 1929 йили фермерлар топширган пахтаси учун 1217 миллион сўм олишган бўлса, 1931 йилда атиги 551 миллион сўм олишди, холос. Яъни икки йилда уларнинг даромадлари икки баробардан зиёд камайиб кетди.

Биргина 1932 йилнинг ўзида республикада пахтачилик бўйича 206 минг мутахассис тайёрланди. Партиянинг катта ташкилотчилик иши туфайли 1929 йилда мамлакатда 823349 тонна пахта тайёрланди. Шунинг 549568 тоннасини ўзбекистонлик пахтакорлар етказиб беришди. 1932 йилда давлатга топширилган жами 1 миллион 216617 тонна «оқ олтин»нинг 758044 тоннаси республика ҳиссасига тўғри келади.

1932 йилда етиштирилган пахта мамлакатимиз саноат корхоналарининг хом ашёга бўлган талабини тўла қондирди ва СССР пахта мустақиллигига эришди. Қишлоқ хўжалиги ярим феодал бўлган қолоқ республика Совет Иттифоқининг йирик аграр саноат ўлкасига айланди ва у СССР нинг асосий пахта базаси бўлиб қолди.

1950—1970 йилларда пахтачилик Иттифоқимизда халқ хўжалигининг қудратли, юқори даражада ривожланган индустриал тармоғига айланди. Унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Минглаб механизаторлар, малакали мутахассислар етишди. Зеро, партия мамлакат олдига суғориладиган экин майдонларини тартибга солиш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, катта ҳажмда ирригация-мелиорация ишларини бажариш вазифасини қўйганди.

Барча қардош республикаларнинг самимий беғараз кўмаги билан Ўзбекистонда бу борада жуда кенг қамровли ишлар ижросига киришилди. Марказдан ва қўшни республикалардан катта моддий ёрдам, кўплаб замонавий техника воситалари, малакали мутахассис кадрлар юборилди. Экин майдонларини реконструкциялаш, янги-янги ерлар ўзлаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини кенг ёйиш тадбирлари белгиланди.

Аммо уларни амалга оширишда жиддий хатоликларга йўл қўйилди. Экинзорлар кўпинча яшнаб турган боғ-роғлар, ўт-ўланга мўл яйловлар, сўлим табиатли ён бағирлар ҳисобига кенгайди. Ўлкамиз экологик мувозанатини асрлар оша сақлаб келган катта-катта сойлар, шарқираган жилғалар, дарёлар йўлига бўлар-бўлмас селхоналар, тўғонлар, сув омборлари қурилди. Серҳосил озуқа экинлари майдонлари, озиқ-овқат маҳсулотлари пайкаллари пахта монокультураси қурбони бўлди. Пировардида, республикада жиддий социал, иқтисодий муаммолар пайдо бўлди. Деҳқон айтгандек даромад буромадга яраша бўлмади.

АЙНИҚСА, 1970 йилнинг охирларига келиб, республика пахтачилигида ўта салбий ҳолатлар рўй бера бошлади. Тармоқни интенсивлаш жараёнлари секинлашди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларни жорий этиш депсиниб қолди. Ишни ташкил этишнинг мавжуд усуллари узоқ йиллар мобайнида ўзгармади, пахтакорлар меҳнатига тўланган ҳақ ҳўжалик юритишнинг пировард натижалари билан уйғунлашмади. Бу ҳол одамларда лоқайдлик, бепарволик, боқимандалик кайфиятини туғдирди. Уларда ерга соҳиблик ҳисси йўқолди. Тармоқда қўшиб ёзиш, алдамчилик, ўғрилик, порахўрлик авж олди. Устига-устак бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик усуллари устун келди. Деҳқонлар ишига бўлар-бўлмасга аралашавериш, фермонлар бераверіш уларнинг ташаббускорлигини тўсди, масъулиятини сусайтирди. Экин майдонлари унумдорлиги пасайиб, ўйламасдан ишлатилган заҳарли химикатлар турли хил юқумли касалликлар келиб чиқишига олиб борди.

Буларнинг ҳаммаси турғунлик йиллари оқибати, монокультура «самара»си эди. Ҳушомад, кўзбўямачилик эвазига қаҳрамонлик нишонлари, қўш-қўш орденлар пайида бир гуруҳ мукофотпарастлар сохта обрў, шон-шуҳрат кетидан қувлаб, айтиш мумкинки, республикани маълум даражада мушкул аҳволга солиб қўйган.

Совет пахтачилиги, пахта мустақиллиги учун кураш тарихида КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми ва партия XXVII съездидан сўнг янги давр бошланди. Пахтачиликдаги салбий кўринишлар очиб ташланди, тармоқни интенсив бошқаришнинг оқилона йўллари ишлаб чиқилди. Аммо илгари рўй берган камчиликлар пахтачилигимизнинг жадал ривожланишига ҳамон тўсиқ бўлиши билан бирга бошқа тармоқлар тараққиётига ҳам жиддий таъсир этмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигини интенсив изга ўтказиш, алмашлаб экишни жорий этиш, гўшт, сут, мева, узум, сабзавот, картошка ва бошқа экинларни кўпайтириш ишлари суръати ҳали талаб даражасида бўлмаётир.

Республика партия-ҳукумати турғунлик даври қишлоқ хўжалигига, хусусан пахтачиликка, пахтакорларга қанчалик катта моддий ва маънавий зарар келтирганини очиқ-ойдин, ошкор эътироф этмоқда. Шу билан бирга, аҳволни ўнглаш учун катта ташкилий тадбирлар ўтказилмоқда. Яқин вақт ичида пахта монокультурасининг олдини олиш, ерлар унумдорлигини ошириш ҳисобига ғўза ўстириладиган пайкаллар ҳажмини қисқартириб, сабзавот, мева, полиз, озуқа экинлари майдонларини эса кўпайтириш режалаштирилган.

Яқинда атоқли пахтакор Маҳмуд ака Исматов «Пахтада нима айб?» деган мақола билан чиқди. Жуда тўғри! Ҳаётдаги айрим хатоликлар, салбий ҳодисаларни кўриб, пахтачиликка умуман соя ташлаш ноўрин. Пахтачиликнинг ривожи ҳамиша социализм манфаатлари учун хизмат қилиб келган ва шундай бўлиб қолади.

А. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

«Совет Ўзбекистони» почтасини шарҳлаймиз

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО...

● БУ — ЛОҚАЙДЛИК ЭМАСМИ?

Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхозда яшовчи С. Муҳаммадиев, Ч. Нурматов, С. Чориевлар ўз хатида ўн икки минг сўмга сотиб олинган Ф. Энгельс ҳайкали колхознинг айрим раҳбарлари бепарволиги ва маъсулиятсизлиги оқибатида ўрнатилмай ётганлиги ҳусусида ташвишли хабар йўллаган эдилар.

Яккабоғ район партия комитетидан хабар қилинишича, ушбу хат юзасидан текшириш ўтказилди. Унда келтирилган фактлар тасдиқланди.

Текшириш якуни колхоз партия комитети йиғилишида муҳокама қилинди. Хўжалик клуби ёнида Ф. Энгельснинг ҳайкали ўрнатилди.

Ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун коммунистлар колхоз партия комитети секретари Я. Худоёровни қайта сайламадилар.

● ТЕРГОВЧИ ОҚЛАНДИ

Тошкент шаҳрида яшовчи А. Ҳолиқов ўз мактубида баъзи маъмурий орган ходимларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари хусусида мулоҳазалар билдирган эди. Унинг хати юзасидан Ўзбекистон ССР Прокуратурасидан олинган расмий жавобда қуйидагилар маълум қилинади. 1985 йилнинг 5 августида Тошкент шаҳар прокуратураси мазкур прокуратура катта терговчиси А. Абдураҳмоновга нисбатан жиноий иш қўзғатган ҳамда у пора олишда айбланиб, ҳибсга олинган. Бироқ унинг айбини тасдиқловчи кўргазмалар етарли бўлмаганлиги учун тергов тўхтатилган.

Тошкент шаҳар прокуратураси коллегиясида А. Абдураҳмоновни асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш факти муҳокама қилинди.

А. Абдураҳмоновга нисбатан сифатсиз текшириш иши олиб борганлиги, уни асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортганлиги учун Октябрь район прокуратураси катта терговчиси Х. Тожиев вазифасидан бўшатилди, шаҳар прокуратураси катта терговчиси Э. Бобоевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Мазкур ишни кўриб чиқишда назорат ўрнатмаган, А. Абдураҳмоновни асоссиз равишда қамоққа олиш ҳусусида санкция берган Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари А. Шепель эндиликда Ўзбекистон ССР Прокуратураси органларида ишламаётир.

А. Абдураҳмонов оқланди ва аввалги вазифасига тикланди.

● ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША

Пискентлик газетхон А. Ҳайдаров ўз аризасида Олмалиқ «Водоканал»нинг Аэрация участкасида меҳнат интизоми, ҳисоб-китоб ишлари қўпол равишда бузилаётганлиги тўғрисида ташвишланиб ёзган эди. Редакция ушбу хат юзасидан Олмалиқ шаҳар партия комитетидан расмий жавоб олди. Унда қайд этилишича, хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Шаҳар халқ контроли комитети Х. Сулаймонов аввал бошчилик қилган участкада ҳақиқатан ҳам штат-молия интизоми жиддий равишда бузилганлигини аниқлади.

«Водоканал» бошқармаси бошлаштирган партия ташкилотининг очиқ партия йиғилишида коммунист Х. Сулаймоновнинг масаласи кўриб чиқилди. Коллективга қониқарсиз раҳбарлик қилганлиги, КПСС Уставини бузганлиги, партия этикаси нормаларига риоя қилмаганлиги учун унга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди.

Х. Сулаймоновнинг шахсий иши кўриб чиқиш учун шаҳар партия комитети партия комиссиясига топширилди, шатат-молия интизоми бузилганлиги ҳақидаги материаллар эса шаҳар прокуратурасига юборилди.

Бошқарма бошлиғи ва бошланғич партия ташкилоти секретарига Аэрация участкасида маънавий соғлом муҳитни яратиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилди.

«Хатим юзасидан колхозда текшириш жуда юзаки олиб борилди, атрофлича ўрганилмади», — деб ёзган эди Қорақўл районидаги Ҳамза номли ўрта мактаб ўқитувчиси О. Воҳидов ўз мактубида. Ушбу хат юзасидан текшириш ўтказган Қорақўл район партия комитетидан олинган жавобда аризада келтирилган фактлар қисман тасдиқланганлиги хабар қилинади. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда Ф. Хўжаев номли колхозда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари топшириш юзасидан давлат планлари кўпгина кўрсаткичлар бўйича бажарилмай келинган.

Шикоят хати колхоз партия комитетининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди. Ишда камчиликларга йўл қўйганлиги ва назоратни бўшаштириб юборганлиги учун колхоз раиси У. Имомов, шунингдек, бош агроном Ж. Қурбонов қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Газетхон Р. Азимов «Эътибор бериш керак» сарлавҳали хатида Шофиркон районидаги Ленин номли колхоз дўконларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишмаслиги, умуман, хўжаликда сабзавот етиштиришда камчиликлар мавжуд эканлиги тўғрисида хабар қилган эди. Район Совети ижроия комитети маълум қилишича, текширишда мактубда келтирилган фактлар асосан тасдиқланган. Хат райондаги Дўрмон матлубот жамиятида ва Ленин номли колхоз правлениесида муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланган. Бу ишга масъул бўлган Дўрмон матлубот жамияти ходимлари Б. Хасанов, Н. Ўриновлар камчиликларга йўл қўйганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилганлар.

● ПАРТИЯ САФИГА ТИКЛАНДИ

Чироқчи районидаги Ильич номли совхозда истиқомат қилувчи Ў. Шоимов партия сафидан чиқарилганлиги тўғрисида норозилик хати ёзган эди. Яқинда редакциямиз Чироқчи район партия комитетидан қуйидаги мазмунда расмий жавоб хати олди.

Ҳақиқатан ҳам район партия комитетининг 1988 йил 16 февралдаги бюро мажлиси қарори билан КПСС аъзоси Ў. Шоимов партия ташкилотини алдаб, ўз таржимаи ҳолини бузиб кўрсатганлиги, ҳақиқий ёшини яширганлиги учун КПСС сафидан чиқарилган. Область партия комитети 1988 йилнинг 28 майида район партия комитетининг мазкур қарорини тасдиқлаган.

Шундан сўнг Ў. Шоимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ариза ёзиб, ўз хатоларини тан олганлигини маълум қилади ва партияга қайта тиклашни сўрайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу масалани кўриб чиқиб, район ва область партия комитетларининг қарорларини бекор қилган, ўз хатоларини самимий тан олганлиги ва партия ташкилоти ишончини оқлашга ваъда берганлигини ҳамда «Калкама» қишлоқ Совети бошланғич партия ташкилоти томонидан шикоят авторига берилган характеристиканинг ижобийлигини ҳисобга олиб Ў. Шоимовни партия сафига қайта тиклаган, айни вақтда партия сафига киришда ўз таржимаи ҳолини бузиб кўрсатганлиги, ҳақиқий туғилган йилини яширганлиги учун унга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилган.

Район партия комитети 26 декабрда унга янги партия билети топширди.

«Совет Ўзбекистони» хатлар ва оммавий ишлар бўлими.

Тошкентдаги Ўзбекистон Давлат санъат музейида ажойиб бир кўргазма намойиш этилмоқда. Унга қўйилган портрет ва картиналарни томоша қилаётган санъат мухлислари «Шундай оригинал мўйқалам соҳиби ҳам бор экан, яхши билмас эканмиз, кўргазма ташкилотчиларига раҳмат» демоқдалар.

Ҳа, рассом Михаил Иванович Курзин ўз вақтида республикамиз билан яхши таниш бўлган бўлса-да, бизнинг ҳозирги давр кишилари, хусусан, ёшлар унинг ҳаёти ва ижодини ончалик яхши билмайдилар. Шу боисдан кўргазма ҳақидаги кичик мақоламизда унинг таржимаи ҳоли тўғрисида ҳам озгина тўхталиб ўтмоқчимиз.

Михаил Иванович Курзин 1888 йилда Олтой ўлкасида туғилган. Санъатга, ранг-тасвирга меҳри тушган ёш йигитча аввал турли тўгаракларда иштирок этди. Ўзининг илк асарини яратгач, уни профессионал рассомларга кўрсатиб, йўл-йўриқлар, маслаҳатлар олди. Шуниси диққатга сазоворки, унинг биринчи иши «Деҳқон» деб аталади. Портрет билан танишган киши ҳеч шубҳасиз унда ҳақиқий дала кишисининг образи чизилганини ҳис қилади.

Курзин 1923 йилда Тошкентга келади. Унинг кейинги ҳаёти ва ижоди бутунлай республикамиз билан боғлиқ. У Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари билан танишди, дўст тутинди. Рассомлик санъатига бағишланган давраларда фаол қатнашди. Коллектив бўлиб ишланган картиналарга ҳисса қўшди. Айни вақтда миллий тасвирий санъатимиз анъаналарини, машҳур рассомларимиз ижодини астойдил ўрганди. Кўргазмалар якунига бағишланган ижодий давраларда ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этди. Ҳамкасбларига янги яратган асарларини кўрсатиб, камчиликларини бартараф эта борди.

Рассомнинг Тошкентда Ўзбекистонда назарга тушган илк асарларидан бири «Ишчи» портретидир. Уни томоша қилган киши, шубҳасиз қадоқ қўлли инсонни қаётда учратгандек бўлади. Ижодкор чизмалари маънили. Ишораларни қийналмасдан англаб олиш мумкин. Ёки, бўлмаса, рассомнинг «Эски мактаб» картинасини олайлик. Номидан кўриниб турганидек, унда инқилобдан олдинги давр мазлум халқлари болаларининг аянчли қисмати акс эттирилган. Санъаткор ранглар, чизгилар мутаносиблиги орқали келгусига, яхшиликка ишонч туйғуларини ҳам оригинал талқин қилган. «Ҳасса тутган қария» портретида тасвирланган қаҳрамон қаришликни тан олса-да, ўз ҳаётидан мамнун, миннатдор. Унинг ўйчан нигоҳлари ҳаётийлиги билан томошабинни ўзига тортади. Кекса кишининг олис-олисларга боқиб туришида ҳам катта маъно бор: у ҳаётда, ишда, оилада из қолдирди. Бу излар албатта йўлларга айланади, йўллар эса, уфққа туташ!

• *Кўргазма залларида*

ХОТИРА КЎЗГУСИ

Михаил Иванович ижодида даврнинг илғор кишилари портретлари алоҳида ўрин тутади. Ана шу туркум асарлар ҳақида гапирганда кўргазмада муваффақиятли намойиш қилинаётган, аниқроғи, санъат мухлислари эътиборини қозонаётган «Колхозчи аёл» портретини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Асарда коллективлаштириш давридек мураккаб замон аёли акс эттирилган. Колхозчи аёллар мавзусида рассомларимиз жуда кўп портретлар яратишганини биламиз. Жумладан, ўзбек мўйқалам соҳиблари ҳам бу борада ажойиб ютуқларга эришган. Хўш, Курзин асари улардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? Энг аввало, шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, рассом ўзбек деҳқон аёлини ва унинг ҳаёти, ишини яхши билади, қалбан ҳис қилади. Қолаверса, рус санъаткори асарда миллий тасвирий санъатдаги руҳни, шартларни кўрсата билган. Аёл ишдан бўш вақтда тасвирланган бўлсада, даласининг ўйи билан яшайдиган меҳнатсевар инсон бўлиб кўзга ташланади.

Моҳир рассом 1936 йилда ноҳақ репрессияга учради. Ўн йил ҳақиқат тантанасини кутиб, унга ишониб яшади. Айни вақтда ижод ҳам қила олди. Ана шу машъум даврда яратган асарлари орасида рассомнинг «Ёш инсон портрети» асари ажралиб туради. Ишчи кийимидаги ёш йигитнинг нигоҳлари, қарашлари фахр мамнуният туйғулари билан йўғрилган. У ўз даврининг ташаббускор ишчиси. Буни рассом чизмаларида, ишораларида ёрқин кўрамиз. Қолаверса, санъаткор талқинида замон зарбдорига ҳамнафаслик ёрқин сезилиб туради.

Курзин ижодида Бухоро мавзуси алоҳида ўрин тутади. Рассом икки йил бу тарихий ва ҳамиша навқирон шаҳарда яшади. Ана шу озгина муддатда у жуда кўп портрет ва картиналар ижод этишга муваффақ бўлди. Айниқса, қадимий шаҳар кўринишларини муҳаббат ва қизиқиш билан ўрганди. Жаҳонга машҳур, кунора дунёнинг турли бурчакларидан туристларни мунтазам қабул қилиб турадиган Бухоро мавзусида асар яратиш масъулиятини рассом яхши биларди. Шунинг учун ҳам у бу борада ўзигача асарлар яратган моҳир ҳамкасбларининг анъаналарига таянди, улардан ижодий фойдаланди. Натижада Бухорога муносиб картиналар ишлай олди. Бу ўринда «Бухоро Регистонидаги митинг» картинаси диққатга сазовор. Унда Октябрь ғалабасидан руҳланган халқнинг шиддаткор, даъватқор интилишлари, революцияни мустаҳкамлаш ишига бўлган қатъий аҳдлари тасвирланган. Кўргазма меҳмонлари бу йирик полотнонинг ҳаётий талқиннини бир овоздан эътироф этмоқдалар.

«Аёл», «Каромат Зокирова», «Уста Ёдгор Нарзилло», «Йигирувчи К. Ниёзова» портретлари ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Михаил Иванович Курзин Ғафур Ғулом билан яқин дўст эди. Унинг атоқли сўз санъаткорини тасвирлаган портрети кўргазмада намойиш этилмоқда. Ғафур Ғуломнинг уй-музейида эса, аллақачон рассомнинг шоир асарларига ишлаган қатор миниатюра картиналари кўрсатилмоқда.

Рассом Михаил Иванович Курзин таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, республика Рассомлар союзи ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат музейи ҳамкорликда ташкил этган кўргазма маданий ҳаётимизда муҳим янгиликдир.

Саида ИЎЛДОШЕВА.

Суратларда: рассом М. Курзининг «Каромат Зокирова портрети», «Ишчи» асарлари.

М. НАЗАРОВ фоторепродукцияси.

• *Ҳодиса*

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Қарши районининг «Аврора» посёлкасидаги уйлардан бирида газ портлаб, беш киши, шу жумладан болалар нобуд бўлди. Бир неча киши оғир аҳволда қасалхонага келтирилди. Шу уйда яшаётган одамларнинг ҳамда хизмат бурчига мувофиқ газ хўжалигини кузатиб туриши лозим бўлган кишиларнинг бепарволиги ана шундай қиматга тушди.

Ҳозир аниқланишича, носоз газ плиталаридан фойдаланилаверган, газ қувури плитага темир қувур билан эмас, балки резина шланг билан улаб қўйилган. Бундай қилиш хавфсизлик қоидаларида қатъий тақиқлаб қўйилган.

Газдан фойдаланиш қоидаларининг бузилаётганлиги ҳозир кўпчиликни ташвишлантиряпти, деб бўлмайди. «Каршистрой», облгаз коммунал хизматларининг ва техника назоратининг ходимлари масъулиятдан қандай қилиб қутулиб қолиш тўғрисида кўпроқ жон куйдирмоқдалар. Ҳолбуки областда қаровсиз плиталаргина эмас, ҳатто ўз ҳолига ташлаб қўйилган газ қувурлари ҳам бор. Ўтган йилнинг баҳорида ана шундай қувурлардан бири ҳақида ТАСС хабар қилган эди. Матбуотнинг эътибори ёрдам берди: газ қувурининг ана шу қисми тикланмоқда. Аммо Қашқадарёда 200 километрлик газ тармоғи ҳали ҳам хавфсизлик техникасини бузган ҳолда ишлатилмоқда. Пўлат қувурлар эскириб, баъзи жойлари тешилай деб қолди.

Баъзи газ тақсимлаш станцияларини порох тўлдирилган бочкага қиёс қилиш мумкин.

Ҳатто область марказида ҳам ҳеч кутилмаган жойларда қувурдан чиқаётган газ ҳиди келади, бунинг сабаби ҳам ўша бепарволик, лоқайдлик.

Беш кишининг ҳаётига зомин бўлган воқеа юзасидан текшириш ўтказилмоқда.

Шу бепарволик давом этаверса, яна портлашлар бўлмаслигига ким кафолат беради?

В. ШУМАЙЛОВ, ЎзТАГ муҳбири.

Қарши

• СПОРТ • СПОРТ

«ПАХТАКОР»-89

ЯНГИ МАВСУМДА ЯНГИ ТРЕНЕР

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси футболчилари ўрток лик учрашувлари ўтказиш учун Болгарияга янги мураббийВиктор Васильевич Носов билан бирга жўнаб кетдилар.

Бу тренер спорт оламида яхши танилган. Унинг фаолиятидаги асосий босқичларни эслатиб ўтамиз. Спорт мастери В. Носов 1968 йили Т. Г. Шевченко номидаги Ворошиловград педагогика институтини битирган ва тез орада тренерлик ишига ўтган.

Унинг фаолияти айниқса Донецкнинг «Шахтер» командасида самарали бўлди. В. Носов бу коллективда 1976 йилдан 1985 йилгача меҳнат қилди. Бу ерда унга дастлаб резерв состав ишониб топширилди. Унинг шогирдлари 1978 йилда олий лига — дублер командалари мусобақаларида кумуш медали қўлга киритдилар. Мураббий раҳбарлигидаги «Шахтер» командаси кейинги йил ҳам худди шундай мукофотга сазовор бўлди, бироқ энди кумуш медаль СССР чемпионати иштирокчилари бўлган асосий состав командалари ўйини натижасига кўра қўлга киритилган эди.

«Шахтер» командаси ўз катта тренери билан биргаликда икки марта — 1980 ва 1983 йилларда СССР кубоги учун ўтказилган беллашувларда ғалабага эришди. Кейинги йили мамлакат чемпиони — Киевнинг «Динамо» командаси билан мавсум кубоги учун беллашган донецклик футболчилар ана шу фахрли совриннинг эгаси бўлдилар. «Шахтер» 1985 йил СССР кубоги учун мусобақалар финалчиси бўлган эди.

Украина ССРда хизмат кўрсатган тренер В. Носовни «Шахтер» командасидан Мальдив Республикасига таклиф этишди. Бу ердаги маҳаллий футболчилар маҳоратининг ўсиши совет тренери ёрдами билан бевосита боғлиқдир.

Янги мураббийнинг «Пахтакор» командаси состави билан танишуви қизғин палладаФарғонада ўтказилаётган қишки турнирда бошланди. Энди Болгариядаги учрашувлар команда асосий составини аниқлаб олишга ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

ЯХШИ СУҲБАТДОШ БЎЛИШНИНГ ЭНГ ОСОН ЙЎЛИ

Яқинда мени бриж ўйнига таклиф этишди. Лекин мен бриж ўйнамайман. Таклиф этилганлар орасида менга ўхшаб бриж ўйнамайдиган малларанг сочли бир хоним бор экан. Менинг Европа бўйлаб саёҳатда бўлганимни билиб, у илтимос қилиб қолди: «Мистер Карнеги, кўрган-кечирганларингиздан гапириб беринг».

Биз диванга жойлашиб ўтириб олгач, у эри билан яқинда Африка сафаридан қайтиб келишганини айтди. «Африкадан денг? — дедим ҳаяжонланиб. — Жуда ажойиб! Африкада бўлишни доим орзу қиламан, лекин етишолмаяпман. Айтинг-чи, йирик ҳайвонлар яшайдиган жойга бороллдингларми? Омадларинг келипти-да! Сизларга ҳавасим келяпти. Менга Африка тўғрисида гапириб берсангиз-чи...».

Аёлнинг ҳикояси қирқ беш минут давом этди. Қаерда бўлганим, нималар кўрганимни у мендан қайтиб сўрамади. Унга бор-йўғи саёҳатда кўрганларини керилиб гапириб бериш учун суҳбатдош керак эди.

Бу одатдан ташқари ҳолми? Сира ҳам. Одамлар ўзларини деярли ҳамма вақт шундай тутишади. Масалан, яқинда мен тушликка меҳмонга таклиф қилинганимда машҳур бир ботаник билан танишиб қолдим. Бунгача менга ботаниклар билан ҳамсуҳбат бўлишга тўғри келмаганди. Суҳбатдошим ажойиб одам экан.

Мен стул четига ўтирганимча, унинг наша, Лютер Бербанк, хонаки оранжериялар тўғрисидаги гапларини бутун вужудим қулоқ бўлиб тингладим. У ҳатто оддий картошка тўғрисида ҳайратомуз фактларни айтиб берди. Бир соатдан ортиқ суҳбатлашдим. Меҳмондорчиликдаги одамлар билан ҳайрлашиб кетганимдан сўнг, ботаник меннинг шанимга мақтов гапларни айтибди уй эгасига: мен жуда ажойиб суҳбатдош эканман.

Ажойиб суҳбатдош? Қандай қилиб шунақа бўлиб қолибман? Мен умуман бирон гап айтганим йўқ. Негаки, ботаникага тишим ўтмасди. Менинг бирдан-бир қилган ишим шу бўлдики — ботаникни жуда эътибор билан тингладим. У буни ҳис этди. Табиийки, бу унга ҳуш ёқарди. Ана шундай тинглай билиш — бирон кишига кўрсатиладиган энг улкан ҳурматдир.

Натижада унинг эътиборидан кўнгли кўтарилган мен фақат яхши тингловчигина бўлишимга қарамай, у мени яхши суҳбатдош, деб топди.

Ишга доир музокаралар муваффақиятининг махфий сири нимада? Чарльз В. Элиотдек олим фикрича, «Ишга доир мулоқотларда муваффақият келтирувчи ҳеч қандай махфий сир йўқ... Сиз билан гаплашаётган одамга ниҳоятда эътиборли бўлиш — энг муҳими ва зарури мана шу. Бунданам ҳуш ёқадиган ҳеч нарса йўқ».

Бу шундоққина кўриниб турган ҳақиқат-ку, шундай эмасми? Буни тушуниб олиш учун Гарвардда тўрт йил фан ўрганишга ҳожат йўқ.

Агар сиз доимий шикоятчи ва энг ашаддий баҳсчини сабр-тоқат билан тинглаб, унга ҳамдард бўлсангиз, ғазабланган танқидбоз ичидагини обдон тўкиб солмагунича сукут сақласангиз, у аста-секин ҳовридан тушиб, юмшаб қолади.

Бир мисол: Нью-Йорк телефон компанияси бундан бир неча йил муқаддам энг ашаддий баджаҳл абонентлардан бирига хизмат қилишлиги аён бўлиб қолди. У телефон хизматидаги аёлларни лаънатларди. Жазавага тушарди. Лаънати телефонни илдизи билан қўпориб ташлайман, деб дағдаға қиларди. Булар сохта, деб баъзи счётларга ҳақ тўлашдан бош тортарди. Газеталарга кетма-кет хат жўнатарди. У ижтимоий хизмат Комиссиясини сон-саноқсиз шикоятларга кўмиб ташлардди. Телефон компаниясини бир неча марта судга ҳам берганди.

Ниҳоят, компания «жанжалларни бартараф қилиш»нинг энг моҳирларидан бирини ғавғочи тентак билан суҳбатлашишга юборди. «Жанжалларни бартараф этувчи» қари вайсақининг узундан-узоқ ғазабнок гапларини сабр-тоқат билан эшитди. Шикоятчининг юраги бўшади. Чолни тинглар экан, ора-сира унинг гапларини маъқуллаб, қайғу-ҳасратларига ҳайриҳоҳлик билдириб қўярди.

«У ғазабдан тутоқиб жойидан туриб кетиб бетоқатланар эди. Мен уни уч соатга яқин тоқат билан тингладим. — ўша воқеа ҳақида ҳикоя қилиб берди «жанжалларни бартараф этувчи» менинг синфларимдан бирида — Мен унинг ҳузурига яна келиб, гапларига олдингисидан ҳам кўпроқ вақт қулоқ солдим. У билан тўрт марта суҳбатлашдим. Учинчи сафар борганимда у асос солган ташкилотнинг таъсисчи — аъзосига айландим. Ташкилотга «Телефон абонентларини ҳимоя қилиш ассоциацияси» деб ном қўйди у. Ана шу ташкилотга кирганимдан сўнг, асосчисини ҳисобга олмаганда, унинг якка-ю ягона аъзоси эканлигимни билдим.

Мен ҳамма учрашувларимизда эътирозларининг барча пунктлари бўйича унга хайриҳоҳлик билдирдим. Телефон компаниясининг биронта ҳам вакили у билан ҳеч қачон бу хилда гаплашмаган экан. У бора-бора менга деярли дўстона муносабатда бўла бошлади. Уникига келишимга сабабчи асосий масала ҳақида биринчи, шунингдек иккинчи ва учинчи ташриф буюришимда ҳам лом-мим демадим. Аммо тўртинчи боришимда масалани дарҳол ва тўла ҳал қилишга муваффақ бўлдим: ҳамма счётлар тўланди ва компания билан низо бошланганидан бери у биринчи марта унга нисбатан шикоятларини Комиссиядан қайтариб олди».

Шубҳасиз, бу валломат ижтимоий ҳуқуқлар ҳимояси йўлида виждонсизларча эксплуатацияга қарши муқаддас уруш қилишни зиммасига олган рицардек ҳис қиларди ўзини. Аслида у ўзини баобрў одам эканлигини ҳис этиш лаззатидан баҳраманд бўлишга интилган. У ўзининг қаҳр-ғазаби ва норозилигини намойиш қилиб, интилган нарсасини олди.

Агар одамлар сиздан безишларини, орқангиздан сизнинг устингиздан кулишларини ва ҳатто ғафратланишларини хоҳлаб қолсангиз, мана сизга яхши тавсия: ҳеч вақт ҳеч кимни узоқ тинглаб ўтирманг, муттасил ўз ҳақингизда гапираверинг, бошқа одам гапираётганда миянгизга бирон фикр келиб қолса, у гапини тамомлашини кутиб ўтирманг. У бирон жўяли гап айтармиди?! Унинг бекорчи валақлашини эшитишга вақт кетказиш сизга зарур кептими?! Гапининг ярмисида шартта бўлиб, попугини пасайтириб қўйинг.

Ана шундай тонфадаги одамларни биласизми? Афсуски, мен биламан.

Агар сиз яхши суҳбатдош бўлишга интилсангиз, аввало яхши тингловчи бўлиб олинг. Шундай саволлар берингки, суҳбатдошингиз баҳонидил жавоб қайтарсин. Уни ўзи тўғрисида, ўзининг муваффақиятлари ҳақида гапга солиб қўйишга ҳаракат қилинг.

Эсингизда бўлсин, гаплашаётган кишингизни сиз ва сизнинг ишларингиздан кўра ўзи тўғрисидаги фикр, ўз ҳоҳишлари ва муаммолари кўпроқ қизиқтиради.

Шундай қилиб, агар одамларни ўзингизга мойил қилмоқчи бўлсангиз, —

Яхши суҳбатдош бўлинг. Бошқаларнинг ўзлари ҳақида гапиришларини рағбатлантиринг.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

Редактор У. УСМОНОВ.

• *Қизиқ гаплар*

Семизлик дарди

Диетологларнинг халқаро йиллик конференцияси иштирокчиларининг фикрича, ҳар беш нафар французнинг бири семизлик дардидан озор чекмоқда. Ўта семизликнинг сабабларидан бири кўп овқат истеъмол қилишдир. Олимларнинг таъкидлашича, французлар учун овқатланиш режимини қайта кўриб чиқиш керак. Чунки улар мамлакатдаги анъанага кўра, нонуштада нон билан чой ёки кофе ичишга, кейин мўл-кўл тушлик ва тўйимли кечки овқат тановул қилишга одатланишган. Врачлар хушбичимликни сақлаш учун нонуштада кўпроқ, кечки дастурхонда эса иложи борича камроқ овқатланиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Кўзи ожизлар учун

Инглиз олимлари кўзи ожизларга йўл кўрсатишда қўлланиладиган системани яратмоқдалар. Бу система ожизларга йўл ҳаракати белгилари, тўсиқлар борлигидан огоҳ беради, шёдалар йўлкасига бошлайди. Бу янгиликни яратиш билан Лондоннинг Кроутон Близ шаҳарчасидаги транспорт ва йўл ҳаракати лабораторияси шуғулланмоқда. Системани яратишни ярим йилдан сўнг тугаллаш режалаштирилган. Олимларнинг фикрича, бу янгилик Буюк Британия шаҳарларида жуда қўл келиши табиий.

Кашанда шведлар

Ҳар йили чекиш келтириб чиқарган хасталиклар оқибатида 12 мингга яқин швед ҳаётдан кўз юмади, деган расмий маълумотни миллий уюшманинг кашандалик оқибатларини аниқлаш билан шуғулланувчи вакили эълон қилди.

Чекувчи шведлар инфаркт, енгил рак, бронхит, ошқозон яраси каби кенг тарқалган касалликлардан, айниқса озор чекишмоқда. Мамлакатда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ҳозирги пайтда 16 ёшдан 74 ёшгача бўлган 1,3 миллион киши чекар экан. Шунга қарамай, аҳоли ўртасида кашандалик зарари ҳақидаги ташвиқотлар яхши самара бермоқда. Кейинги чорак аср мобайнида чекувчи эркаклар 52 дан 27 процентга камайди. Шу билан бирга кашанда аёллар сони 20 дан 27 процентга кўпайди.

ЎзТАГ ТУЗАТИШИ

Газетанинг ўтган сонида эълон қилинган «Икки халқ фарзанди» хабарида ЎзТАГ ходими С. М. Гребенюкнинг айби билан ноаниқликка йўл қўйилган.

Хабарнинг 2-устун юқоридан иккинчи абзацининг биринчи жумласи қуйидагича ўқилсин:

«Тантанали кечани Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло очди. Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов Шайхзода ҳақида сўзлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, КОНКУРС!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ

қуйидаги мавзулар (номланиши шартли): **«ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН», 8 МАРТ БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН!», «1 МАЙ», «7 НОЯБРЬ»** (рус тилида) **конвертли рангли бадиий открткалар тайёрлаш учун**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Почта открткаларини тайёрлашда қуйидаги шартларга амал қилиш зарур: 174x105 мм. ҳажмли (иккитадан). Нашр этиш офсет усулида бўлади. Унда фольга ёки конгрев босма усули қўлланилади (бир хилдаги тўқ ранглар берилмайди).

Конкурсда профессионал рассомлар ҳам, ҳаваскор рассомлар ҳам қатнашишлари мумкин.

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН:

— 1-ўрин учун — 400 СЎМЛИ БИТТА МУКОФОТ (ҳар бир тур учун);

— 2-ўрин учун — 300 СЎМЛИ ИККИТА МУКОФОТ (ҳар бир тур учун).

Бундан ташқари энг қизиқарли, ўзига хос ечимли ишлар СССР Нашриёт, полиграфия, китоб савдоси ишлари давлат комитетининг 1963 йил 20 июлдаги 314-буйруғига мувофиқ баҳолар бўйича ишлаб чиқаришга қабул қилинади.

Конкурсга мўлжалланган ишларни (5 та белгили шифр билан) қуйидаги адресга юборилсин: 700083, Тошкент Ленин кўчаси, 41-уй, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти, «Конкурсга!».

Алоҳида конвертда фамилия, исмингиз, отангизнинг исми (тўлалигича), аниқ адресингизни (индекси билан) маълум қилишингиз зарур.

Конкурсга юборадиган ишларингизни 1989 йил 20 июнга қадар кутамиз. Конкурс якунлари «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ва «ПРАВДА ВОСТОКА» газеталарида шу йилнинг 15 июлига қадар эълон қилинади.

КОНКУРС ЖЮРИСИ.

«Ўзавторемонт»нинг Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси

(700005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. Телефон: 93-03-37)

1989 йил 15 февралга қадар

ремонт қилинаётган «ЗИЛ-130», «ГАЗ-51, 53», «ЛАЗ-695», «Урал-375», «ПАЗ-672» двигателлари номенклатуралари бўйича

буюртмаларни қайта текширувдан

ЎТКАЗАДИ

Текширувни ўтказиш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Кўрсатилган муддат ичида буюртмачилар келиб учрашмаган тақдирда буюртмалар бекор қилинади ва ишлаб чиқаришдан олиб ташланади.

●

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ТЕРИ-ТАНОСИЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СПИД лабораториясига (2 — илмий даражасиз). **кичик илмий ходимлар**

Конкурс муддати — 16 февралгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 3-уй.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА

8-12 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 17 ва 20.00 да

ТАНИҚЛИ ИЖРОЧИ

РУСТАМ ҒОЙПОВ

ва

«НУР» ГРУППАСИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Билетлар Спорт саройи кассаларида ҳар куни соат 11 дан 19.00 гача сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Справкалар учун телефонлар: 46-07-55 — администратор, 46-03-12 — касса.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/II **Оловли фаришта**, 3/II да **Корсар.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да **Кориолан**, 3/II да **Тақдир эшиги**, 4/II да **Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/II да **Хотинимнинг эри**, 3/II да **Тошболта ошиқ**, 4/II да **Тошкентда туман.**

Цирк

— **«Денгиз ҳайвонлари» аттракционининг янги программаси** (2, 3/II да 19.30 да; 4/II да 16, 19.00 да; 5/II да 12, 15, 18.00 да).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА САТИРА ТЕАТРИ

6 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА Тўқин МУҲИДДИН.

«АДАШГАНЛАР»

(икки пардали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Л. САЪДУЛЛАЕВ.

Рассом — Ш. УРМОНОВ.

Музика танловчи — Ш. ҲОШИМОВ.

10, 12 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ПРЕМЬЕРА

Рихсивой Муҳаммаджонов асари.

«ДАВЛАТ БОЛАЛАРИ»

(Икки пардали трагикомедия)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Бахтиёр ИХТИЁРОВ.

Рассом — Шокир УРМОНОВ.

Музика танловчи — Шуҳрат ҲОШИМОВ.

Режиссёр ассистенти — Баҳодир МУРОДОВ.

11,13 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

ПРЕМЬЕРА

Тўра МИРЗО асари. Анвар ЭРГАШЕВ музикаси.

«ҚОВУРИЛГАН ЎРДАК ПАРВОЗИ»

(Тавфиқ ал Ҳаким асарлари асосида икки пардали мюзикл)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Н. ҚОСИМОВ.

Рассом — А. БАТИКОВ.

Балетмейстер — Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати И. ИСМОИЛОВ.

Саҳна пластикаси бўйича мутахассис — И. ЛАНДАУ.

Режиссёр ассистенти — Ҳ. МУСАБОЕВ.

Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр ИХТИЁРОВ.

Спектакллар Рус Ёш томошабинлар театри биносида соат 19.00 да бошланади.

Адрес: Навоий кўчаси («Шоирлар хиёбони» бекати)

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 01030. Б. — 27. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12